



ПРЕЗИДЕНТ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири ўтди. Унда иштирок этган ҚР Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан табриклар, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром ва энг эзгу тилақларини изҳор қилди.

Барчангизни Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан табриклайман! Бугунги қувончли айёмда дунёда "фидойи" деган сўзга энг муносиб бўлган Она сиймоси олдида таъзим қиламиз. Ҳаётимиз қувончи, хонадонларимиз кўрки бўлмиш азиз аёлларимиз шаънига энг гўзал тилақларимизни изҳор этамиз. Аёл сиймоси Яратганинг тенгсиз муъжизаси бўлиб келган ва ҳамisha шундай бўлиб қолади. Сиз дунёга илиқлик ва уйғунлик берасиз ва яқинларингизни севасиз. Азиз оналаримиз ёш авлодга маънавий-ахлоқий қадриятларни синдириб, уларни меҳнаткаш, билимли инсон сифатида тарбиялайди. Бугун оилада, ижтимоий ҳаётда, давлатни ҳар томонлама ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни беқиёс. Юртимиз аёллари фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги фидойилиги билан жамиятимиз мустақамлиги ва эртанги кунига замин яратмоқда. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат, sanoat ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшмоқда. Давлатимиз томонидан гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, oilaviy қадриятларни мустақамлашга доимо эътибор қаратилмоқда. Оналар ва гўзал қизларимизнинг беғубор ҳаёти халқимизнинг ёрқин келажиги гаровидир. Сизга сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилайман! – деди Давлат раҳбари.

Маросим якунида Давлат раҳбари «Ару ана» хотин-қизлар ўртасида энг яхши лойиҳа танлови ғолибларини тақдирлади. Ушбу мукофот ўн номинация бўйича турли соҳаларда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошираётган, фуқаролик жамияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаётган ишбилармонларга топширилди.

Қуйида лойиҳа танлови ғолиблари рўйхатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1. «Агробизнес соҳасида энг яхши лойиҳа» номинациясида – Ақшалова Айгул Сағимбекқизи;
2. «Энг яхши IT-лоийҳа» номинациясида – Ақшўлақова Фарида Амантайқизи;
3. «Йўқий индустрия соҳасида энг яхши лойиҳа» номинациясида – Салихова Сауле Халелқизи;
4. «Янги медиа соҳасида энг яхши лойиҳа» номинациясида – Нурғалиева Асем Бўлатжанқизи;
5. «Аёл ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида энг яхши лойиҳа» номинациясида – Басенова Несибели Зариванқизи;
6. «Инклюзив тараққиёт соҳасида энг яхши лойиҳа» номинациясида – Алимжанова Арайлим Мағашқизи;
7. «Фан ва инновациялар соҳасида энг яхши лойиҳа» номинациясида – Деркач Марина Владимировна;
8. «Аёл ва боланинг фаол ҳуқуқ ҳимоячиси» номинациясида – Рақишева Лаззат Бекмуҳанбетқизи;
9. «Корхонанинг энг яхши аёл раҳбари» номинациясида – Тўлеева Фатима Набидуллоқизи;
10. «Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида энг яхши нодавлат нотижорат ташкилоти» номинациясида – Риль Ольга Владимировна.

Akorda.kz.

● Қозоғистон янгиликлари

ЮРТИМИЗДА МЕХНАТГА ЛАЁҚАТЛИ АҲОЛИНИНГ 48 ФОИЗИ – ХОТИН-ҚИЗЛАР

Қозоғистонда 4,3 миллион хотин-қиз иш билан таъминланган. Бу жами меҳнатга лаёқатли аҳолининг 48 фоизини ташкил этади. Бу ҳақда ҚР Ҳукумати раҳбари маълум қилди.

Ҳукумат расмий сайтидаги маълумотларга кўра, айна пайтда аёллар жамияти жамият ҳаётининг энг фаол қисмига айланиб бормоқда.

Қозоғистонда 4,3 миллион хотин-қиз иш билан таъминланган. Бу жами меҳнатга лаёқатли аҳолининг 48 фоизини ташкил этади. Қизларимиз давлат субсидияси асосида ишга жойлашишда фаол. Утган йили 30 минг нафарга яқин ёш қизлар ишга жойлашиб, илк меҳнат фаолиятини бошлади. Тадбиркор хотин-қизларни давлат ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Статистик маълумотларга кўра, Қозоғистонда тадбиркор хотин-қизлар улуши 45 фоизни ташкил қилади. Мамлакатда хотин-қизлар давлат бошқарувида фаол иштирок этмоқда. Агар 2010 йилда давлат хизматида хотин-қизларнинг улуши 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 55,4 фоизга етди. Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмайди. Она ва болани ҳимоя қилиш, кўп болали оналар, фарзандликка олинган oilalарга кўмаклашиш, аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш, кексаларга ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари бўлиб қолади. Хотин-қизларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун давлат томонидан келгусида ҳам барча саъй-ҳаракатлар амалга оширилади», дейилади Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг расмий сайтыда.

ДАРСЛИКЛАРНИНГ 79 ФОИЗИ РАҚАМЛАШТИРИЛДИ

Қозоғистонда мактаб дарсликларининг 79 фоизи рақамлаштирилди. Бу ҳақда Ҳукумат йиғилишида ҚР Маориф вазири Ғани Бейсембаев маълум қилди.

– Давлатимиз раҳбарининг ўқув жараёнини рақамлаштириш доирасида фанларни ўқитишнинг

инновацион усулларини жорий этиш, зарур ўқув материалларини рақамли шаклга ўтказиш, шунингдек, мактабларни техник жиҳозлар ва юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш вазифаси режа асосида амалга оширилмоқда, – деди вазир.

Ўқув жараёнини бошқаришни рақамлаштириш мақсадида республика бўйича 7000та мактабда электрон журнал ва кундалик юрийтиш, баҳолаш, уйга вазифа бериш, режа тузиш, масофавий ўқитиш каби асосий хизматларни ўз ичига олган таълим дастурлари жорий этилди.

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЭНГ ЯХШИ МУТАХАССИСЛАРГА МУКОФОТ

Мамлакат миллий иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшган фуқароларни тақдирлаш мақсадида «Иқтисодиётни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» янги медали тасдиқланади. Бу ҳақда ҚР Маданият ва спорт ишлари вазирлиги очик муҳокама учун чиқарилган Ҳукумат қарорида айтилади.

Ҳужжатга илова қилинган изохда мазкур ташаббус иқтисодиёт соҳасида фаолият юритаётган малакали мутахассисларни рағбатлантириш ва тақдирлашга қаратилгани айtilди.

Ҳужжат 24 мартга муҳокама учун очик бўлади.

ҚИЛИЧБОЗЛАРИМИЗ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Қиличбозлик бўйича ўсмирлар ва қадетлар ўртасидаги Осий чемпионати жамоавий турнири финалида қозоғистонликлар «олтин»ни кўлга киритди. Бу ҳақда Қозоғистон қиличбозлик федерацияси матбуот хизмати хабар беради.

Қиличбозларимиз Жанубий Корея терма жамоасини мағлуб этишди. Богдан Лукин, Габиндин Мустафин, Георгий Тинников ва Александр Федотовдан иборат жамоанинг ўйини «олтин» билан тақдирланди. Бунгача Александр Федотов яққалик баҳсларида кумуш медални кўлга киритган эди.

24.kz.



САЙЛОВ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 11 март, шанба, №27 (3223).

САНЪАТ – ДЎСТЛИК КЎПРИГИ



Қасим-Жумарт Тўқаев Ғарбий Қозоғистон вилоятига ташриф доирасида минтақада энг йирик «Атамекен» Маданият саройига ташриф буюрди.

Санъат маркази 920 кишига мўлжалланган. Бу ерда Президент вилоятнинг тарихий-ижодий меросига бағишланган кўргазмани томоша қилди.

Шундан сўнг Давлат раҳбари Маданият саройидаги мажлислар залида вилоятга хизмат кўрсатган фуқаролар билан учрашди. Улар орасида минтақа тараққиётига ҳисса қўшаётган соҳа мутахассислари, фаоллар ва фуқаролик ибрат кўрсатаётган инсонлар бор.

Президент вилоят фаоллари билан фикр алмашди.

– Вилоят улкан салоҳиятга эга. Мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай даврда биз учун энг олий қадрият – тинчликдир. Бу йўлда барчамиз ягона эл бўлиб ҳаракат қилсак, ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди. Бирлигимиз мустақам бўлса, барча қийинчиликларни енгиб ўтамиз, – деди Қасим-Жумарт Тўқаев.

Давлат раҳбари Янги Қозоғистонда олимлар, ёшлар, меҳнаткашлар қўллаб-қувватлашни айтди. Шу билан бирга, Президент ёшлар кадрлар захираси ижтимоий дастак сифатида иш бошлаганини таъкидлади.

МАШИНАСОЗЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

ПРЕЗИДЕНТ ҒАРБИЙ ҚОЗОҒИСТОН МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Қасим-Жумарт Тўқаев «Ғарбий Қозоғистон машинасозлик компанияси» ҳиссасдорлик жамиятига ташриф буюриб, завод фаолияти билан танишди.

Корхона раҳбари нефть ва газни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва ташиш учун юқори технологияли ускуналар, мураккаб металл конструкцияларни ишлаб чиқариш билан шуғулланаётгани ҳақида маълум қилди.

Завод ҳудудида «Baker Hughes General Electric Company» томонидан сертификатланган ва ВНГЕ мутахассисларининг таъминоти билан мувофиқ замонавий технологик асбоблар билан жиҳозланган сервис маркази фаолият юритмоқда.

Шунингдек, заводда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун Fregat пуракачили суғориш машиналари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Корхона фаолияти билан танишган Давлат раҳбари янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш муҳимлигини таъкидлади.

Унинг сўзларига кўра, корхонада нефтьга ва энергетика тармоқлари учун юқори технологияли ускуналар ишлаб чиқарилади, шу боис мазкур тармоқларда маҳаллий машинасозлик маҳсулотлари улушини ошириш муҳим аҳамиятга молик.

Akorda.kz.

Туркистон вилоятида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар

| | | |
|--|---|---|
| 11 март "НАВРЎ – ПОКЛИК КЎЗГУСИ» | 15 март "НАВРЎ – МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР ВА МЕҲМОНДЎСТЛИК БАЙРАМИ | 20 март "НАВРЎ – ЯРМАРКА" |
| 13 март "НАВРЎ – ЭЗГУЛИК ЖАРҲИСИ» | 16 март "НАВРЎ – ТОТУВЛИК РАМЗИ | 21 март "ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗИМ» |
| 14 март "НАВРЎ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ» | 17 март "НАВРЎ – ЯНГИЛАНИШ ОЙИ» | 22 март "УЛУСНИНГ УЛУҒ КУНИ – НАВРЎЗИМ!" |
| 23 март "НАВРЎ – МУРУВВАТ АЙЁМИ» | | |

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли "Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашуларини ўтказиш тўғрисида"ги Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Дархан Амангелдиули Сатибалдининг Арис шаҳри аҳолиси билан учрашуви 2023 йил 13 март куни соат 10.00да Арис шаҳридаги Маданият уйида, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2023 йил 13 март куни соат 11.00да Арис шаҳридаги Фахрийлар маркази биносиде ўтади.

Шунингдек, Туркистон вилояти ҳокими Дархан Амангелдиули Сатибалдининг Ўтрор тумани аҳолиси билан учрашуви 2023 йил 13 март куни соат 15.00да Шаулдир қишлоғидаги Маданият саройида ўтади, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2023 йил 13 март куни соат 16.00да Шаулдир қишлоғидаги Маданият саройи биносиде ўтади.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш учун 8(72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2023 йил 12 мартгача соат 9.00дан 19.00 оралиғида (тушки танлафус соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатилмаган ҳолда ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

АУЫЛ

ТӨРГЕ ШЫҚСЫН!

САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИ

Менинг асосий мақсадим – “Ауыл” партиясининг сайловолди дастурини амалга ошириш. 8-сонли сайлов округи ҳудудида истиқомат қилувчи, умуман, Шимкент шаҳри фуқароларига уларнинг ижтимоий ҳамда турмушдаги муҳим масалаларни ҳал этишда ёрдам кўрсатиш.

Шимкент шаҳрининг Енбекши туманидаги 8-сайлов округи ҳудудида мавжуд ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда куч-гайратимни аямайман.

ЮРТИМИЗНИНГ ҚАДИМИЙ МАСКАНИ – ИСФИЖОБ ҚАЛЪАСИ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Исфижоб – Сайрам қалъасининг VII-XI асрлардаги тарихий ёзувлардаги номи, Хожа Аҳмад Яссавийнинг туғилган жойи.

Мадинат ал-Байзо, Испонжоб, Сарём номлари ҳам бўлган. Чигатой тилидаги “Сайрам тўғрисидаги рисола”да Исфижоб шаҳри ҳақида афсоналар мавжуд. Уларда шаҳарда Хизр, Идрис ҳамда Нуҳ Пайгамбарлар ҳаёт кечиргани, шаҳар улар шарафига барпо этилгани, кўпгаб масжидлари бўлгани ҳақида ёзилган.

Бир вақтлар бу жойда Буюк Ипак йўлида муҳим аҳамиятга молик маскан – Исфижоб шаҳри бўлган. Сайрам аҳоли манзили буғунги кунда Қозоғистоннинг учинчи мегаполиси – Шимкент шаҳри тасарруфига ўтган.

Ушбу ҳудудда Хожа Аҳмад Яссавийнинг отаси Иброҳим ота, онаси Қорасоч онанинг мақбаралари, қабрлари бор.

Сўғд тилига асосланган таҳлилчиларнинг маълумоти бўйича, Исфижоб “Оқ сув” деган маънони билдиради. Шаҳар Сайрамсув дарёсининг бўйида. У Буюк Ипак йўлидаги Ғарб ва Шарқни боғловчи бўлган ҳисобланади. Шаҳарчиларнинг қўлбизмаларига мувофиқ, шаҳарда газлама бозорлари, ёпиқ савдо марказлари, масжидлар бўлган. Бу ердаги фаол савдо-сотиққа қарамай, қадимги тарихчиларнинг фикрича, Исфижоб тоза ҳамда қулай шаҳар сифатида кўпчиликтида хуш таассурот қолдиради.

Исфижоб фақатгина Қозоғистон учунгина эмас, жаҳон тарихида муҳим аҳамиятга молик қадимий тарихи бор макондир. Исфижоб қадим тарихга эга бўлгани сабабли ота-болаларимиздан бизга тарихий ёдгорлик бўлиб қолган бу маскани буғунги замон талабига мос, сайёҳлик маконига айлантиришни республика даражасида муҳокама қилиб, ҳал этиш зарур.

Сайловолди дастурининг йўналишларини аниқлаш бўйича Шимкент шаҳрининг Енбекши туманидаги 8-сайлов округи ҳудудида қирган аҳоли манзилларини оралаш борасида куйидаги долзарб масалаларни амалга ошириш зарурлигига амин бўлдим:

КОЖАБАЕВ КУМИСБЕК ЕСИРКЕПОВИЧ



8-СОНЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА “АУЫЛ” ПАРТИЯСИДАН ШИМКЕНТ ШАҲАР МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД

ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Кожабает Кумисбек 1966 йили Жанубий Қозоғистон вилояти, Сарюгоғ тумани, Дарбаза станциясида дунёга келган. Маълумоти – олий, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат, шунингдек, Қозоқ Давлат Қонунчилик университетларини тамомлаган. Иختисослиги бўйича – математика ўқитувчиси, ҳуқуқшунос, педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга.

1984-1986 йилларда Совет Иттифоқи Қуролли кучлари сафида товушларни разведка қилиш батареясининг катта топогеодезисти, 1990-1992 йилларда Ўзбекистон ССР Таълим вазирлигининг махсус ишга қўйиш ва сошлаш бошқармасининг III тоифали муҳандиси, 1992-1997 йилларда А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетининг I тоифали муҳандис-дастурчиси, “Амалий математика” кафедрасининг ўқитувчиси, “Олий математика” кафедрасининг катта ўқитувчиси, муҳандислик-техника марказининг раҳбари, 1999-2000 йилларда М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат университетининг

етакчи муҳандис-дастурчиси, Жанубий Қозоғистон вилоят Давлат хизмати департаментинда етакчи мутахассис, Жанубий Қозоғистон вилоят ахборот ва жамоат тотувилиги бошқармаси бош мутахассиси, 2000-2003 йилларда “Қозоғистон Халқ банки” ҚЖнинг банкоматлар ва посттерминалларга хизмат кўрсатиш бўйича бош муҳандиси, ҚР Молия полицияси агентлигининг ахборотлар билан таъминлаш бўлими раҳбари, 2003-2011 йилларда Жанубий Қозоғистон вилояти бўйича иқтисодий уюшган жиноятчиликка қарши кураш (ИУЖҚК) департаментининг энг муҳим ишлар бўйича катта ноҳири, 2011-2016 йилларда “Қазатомпром” МХЖнинг “Қозоғистон-Россия-Қирғизистон” БК “Заречное” ХЖда бош мутахассис, IT технологияси менежери, 2016-2018 йилларда ҚР Миллий синов марказининг таҳлилчиси, 2018-2021 йилларда Шимкент шаҳри хусусий суд ижрочилигининг ҳудудий палатасида хусусий суд ижроси сифатида хизмат қилган, 2021 йилдан Шимкент шаҳар адвокатлар кенгашининг адвокати бўлиб хизмат қилмоқда.

“Ауыл” партиясининг аъзоси.



1. “Азат” кичик туманининг Е. Спатаев кўчасидаги автомобиль йўллари қазилиб, таъмирлаш ишлари якунланмаган. Айрим жойларида қатнов умуман мумкин эмас. Бошқа кўчаларда ҳам аҳвол шундай. Пйедалар учун йўлакчалар йўқ.

2. “Исфижоб” аҳоли манзилида яшовчи фуқароларнинг 70 фоизга тортилган сув тармоқлари хусусий мулкка айлантирилгани сабабли, уларнинг 10 фоизи сув билан муттасил таъминланган, 20 фоизи қудуқ сувидан фойдаланади. Электр қуввати билан таъминлаш бўйича – 50 фоизи хусусийлаштирилган, аҳвол қониқарли эмас. Кўчаларнинг 50 фоизига асфальтланган, қолганга шағал тўшалган, пйедалар йўлакчаси қурилмаган.

3. Ўрмончи аҳоли манзилидаги кўчалар ёритилмаган. 4. 11-, 12-, 13-кичик туманларнинг ҳовлисида видеокузатув ускуналари ўрнатилмаган, ҳовли орасидаги йўллар таъмирланиши, тозалаш ишлари мунтазам амалга оширилмиши керак. Ҳовлидаги яроқсиз ҳолдаги ўриндиқларни қайта таъмирлаш жойиз. Шунингдек, автомобиль қатнайдиган йўллар жорий йил январь ойида ёққан қордан вақтида ҳамда сифатли тозаланмагани, тозалаш, кум сепиш ишлари самарали юритилмагани боис, шаҳараро автомобиль қатнови қийинлашиб қолди. Қор тозалайдиган техникалар эса таъмирга муҳтож.

Янги, адолатли Қозоғистонни барпо этиш учун республикадаги учинчи мегаполис макomini олган Шимкентимизнинг дунё андазаларига мос шаҳарга айланиши учун бир кишидек ҳамжихатлида, биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур.

Юқорида тилга олган ҳамда бошқа масалаларнинг ҳал этилишини маҳаллий ижро органларидан талаб қилиш – депутатнинг бевоисита вазифаси ҳамда фарзидир.

Депутат халқ билан бошқарув органлари ўртасидаги олтин кўприқдир. Мен юртимизнинг тараққиётига ўз ҳиссамни қўшиб, фуқароларнинг ишончини қозонишни истайман.

Шунингдек, келгусида куйидаги масалаларга доимий эътибор қаратаман:

Коммунал соҳада:

- шаҳримизда барпо этилаётган ижтимоий бинолар ва уй-жой қурилишига техник назоратни кучайтириш;
- ўтган асрнинг 40-50-йилларида шаҳарда барпо этилган уй-жой биноларини таҳлил қилиш;
- шаҳар ички йўлларининг сифатига эътибор қаратиш;
- коммунал тўловларни оширмаслик;
- кўчалар, ҳовлиларни ободонлаштириш ва ёритиш масалаларини кўтариш ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш;
- коммунал хўжалик соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш учун “Коммунал соҳани замонавийлаштириш” давлат дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш;
- уй-жой коммунал хўжалиги инфратузилмасини замонавийлаштириш юзасидан “Нурли йўл” давлат дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш.

Ижтимоий соҳа:

- таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш, ушбу соҳалардаги молиялаштириш муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш;
- тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш;
- давлат-хусусий шериклик қонун доирасида шаҳримиздаги болалар боғчалари, мактаблар ва бошқа ижтимоий иншоотлар қурилишини кенг давом эттириш;
- ногиронлар учун мақбул муҳит яратишга ёрдам бериш.

Ҳуқуқшунос сифатида куйидагиларни бажараман:

- уюшган жиноятчилик ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқбузарликларига қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- давлат дастурлари доирасида ажратилган бюджет маблағларининг сарфланишига партиявий назоратни жорий қилиш;

- қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга эришиш. Янги технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги техникалари сонини кўпайтириш ҳисобидан экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш;
- сайёҳлик марказини ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шимкент ҳудудининг сўлим гўшаларини, қадимжоларни зиёрат қилишга келган сайёҳларни қабул қилишда етакчиликка эришиш керак;
- аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган “Шаҳарни ривожлантириш дастури” ўз вақтида ва сифатли бажарилишини кўлаб-қувватлаш;
- Шимкентни яшил шаҳарга айлантириш юзасидан қатор тадбирлар, жумладан, “Green challenge” лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси билан чиқаман;
- ногиронлар учун мақбул муҳит яратишга ёрдам бериш. Хусусан, уларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, қўндалик турмуши учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласини кўтариш;
- Шимкентда қишлоқ хўжалик марказини ташкил этиш.

Ҳурматли сайловчилар!

Бу менинг режаларим, вазифаларимнинг фақат бир қисмигина холос. Менинг ушбу сайловолди дастурим шунчаки ваъда эмас. Биз бу масалаларни сиз билан бирга ҳал этамиз. Биргаликда “халқнинг овозини эшитадиган” мамлакат барпо этамиз.

Сизнинг хонадонингизга тинчлик-тотувлик, яхшилик, бахт ҳамда омонлик, киндик қонимиз томган Қозоғистонимизга бирдамлик ва равақ тилаб қоламан!

Ҳурмат билан, Кожабает Кумисбек Есиркепович.

(8-сонли сайлов округи бўйича “Ауыл” партиясида Шимкент шаҳар маслаҳати депутатлигига номзод К. Кожабаетнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов унинг шахсий сайлов жамғармаси ҳисобидан амалга оширилди).

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЎТРОРЛИКЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг халқ билан учрашуви Ўттор туманида давом этди. Тадбирда туманда амалга оширилган ишлар ва галдаги режалар муҳокама қилинди.

– Ўттор Туркистон шаҳри билан бирга ривожланади. Сайёҳлик салоҳияти юксак. Муқаддас Арслонбоб мақбараси, Ўттор шаҳарчаси ва бошқа тарихий масканлар саёҳатчиларни қизиқтиради. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш керак. Айниқса, сармоя жалб қилиш, корхоналарни кўпайтириш муҳим. Кейинги икки йилда туманда 16 млрд. тенгга 9та сармоявий лойиҳани амалга ошириш борасида ишлар юритилмоқда. Жумладан, “Arm Wind” компанияси томонидан кунлик қуввати 50 МВт кўёш

электр станцияси барпо этилмоқда. Балақчилик учун зарур бўлган омухта ем ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам муҳим. Лойиҳа қиймати 1,2 млрд. тенге. Шунингдек, қиймати 1,1 млрд. тенгелик 400 бош қоромолга мўлжалланган “Ontustik Altair” сут-товар фермаси ҳамда ем-хашак ишлаб чиқарувчи корхона ишга тушириш режаланган. Тумани ривожлантириш давом эттирилади, – деди Дархан Сатибалди.

Учрашувда инфратузилма, ичимли сув, йўл қурилиши, ернинг ҳосилдорлигини ошириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Шу кунги вилоят ҳокими ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқарма раҳбарлари билан бирга жамоатчилик қабулини ўтказди. Фуқаролар мутасадди ташкилот раҳбарлари билан

эркин фикр алмашиб, ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилги йиғилиш натижалари бўйича айрим масалалар ҳал этилди. Хусусан, нафақадорлар туман марказида фахрийлар учун ҳордиқ маскани очилмасаласини кўтаришган эди. Шаулдир қишлоғидаги эски меҳмонхона таъмирланиб, фахрийлар учун дам олиш маскани сифатида фойдаланишга топширилди. Шунингдек, “Шаулдир-Кўксарой” йўли таъмирланди. Талапти қишлоғига декабрь ойида табиий газ келди.

Ўтган йил якунларига кўра, Ўттор туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 18,8 млрд. тенгени ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 4 млрд. тенгга ошди. Асосий капиталга йўналтирилган сармоялар ҳажми 25 млрд. тенгени ташкил қилди. Шаулдир қишлоғида “Қулай мактаб” лойиҳаси доирасида 600 ўринли янги мактаб қурилиши режаланган. Талапти қишлоғида 25 кишига мўлжалланган шифокорлик пунктини қуриш учун маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари юритилмоқда. Шунингдек, Маяқум, Ўттор, Оққум, Сарикўл аҳоли пунктларида ичимли сув тармоқларини таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 70 миллион тенге ажратилади.

“Қишлоқ – эл бешиги” лойиҳаси доирасида жорий йилга Ақтўбе, Аққўл, Арис, Ўттор, Кўксарой, Қўғам, Интали аҳоли манзилларидаги кўчаларни ўртача таъмирлашга 518 млн. тенге ажратилган. Туман инфратузилмасини яхшилаш тадбирлари давом эттирилади.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

МУҲИМИ – ИЖОБИЙ МУНОСАБАТЛАР

МУҲИМИ – ИЖОБИЙ МУНОСАБАТЛАР

Унда вилоят меҳнат инспекцияси бошқармаси раҳбари Берик Серикбайули вилоятдаги уран ишлаб чиқариш корхоналарида учраб турадиган қатор долзарб муаммоларга тўхталиб, йиғилишда иштирок этган ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ва маъсул мутахассисларга қатор тавсиялар берди. Прокурор ўринбосари Данияр Нурдилдаули кам ойлик олаётган ишчиларнинг маошига доир тушунтиришлар олиб бориб, маошни ошириш масаласини кўтарди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Нуралхан Ўралбайули биринчи навбатда ишлаб чиқариш корхоналарида ишчилар ва раҳбарлар ўртасида илқ муносабатлар, мустақам интизом бўлиши зарурлигини таъкидлади. Йиғилиш якунида келгусида норозиликларга сабаб бўлаётган масалаларни аниқлаб, улар устида ишлашни жонлантириш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

«МЕН ҚОЗОҚЧА ГАПИРАМАН!» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Туркистон шаҳридаги “Буюк Дашт эли” марказида ўтган тадбир январь-февраль ойларида ижтимоий тармоқларда уюштирилган танлов якунларига бағишланди. Тадбир вилоят маданият бошқармаси шафелигида ўтказилди.

Турли миллат вакилларидан иборат 202 нафар иштирокчи интернетда асосан қозоқ халқининг машҳур адиблари Султанмахмуд Тўрайғиров ва Мағжан Жумабаев асарларини ифодали ўқиди.

Ҳақамлар ҳайъати қарори билан бош соврин Кентов шаҳридаги “Қарноқ” ўрта мактабининг 3-синф ўқувчиси Зарина Нозимовага насиб этди. Биринчи ўринни Қазигурт туманидан Фазилат Сунатовна, иккинчи ўринни кентовлик Чарос Эркинова ва Жетисай туманидан Софья Фисенко эгаллади. Учинчи ўринни Тулкибош туманидан Тахмина Тавшонова, кентовлик Рўза Анварова, Тўлебий туманидан Дилноза Холмуродова эгаллади.

Ғолибларга махсус диплом ва қимматбаҳо совгалар топширилди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



● Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

ОНАЛАР – БУТУН БАШАРИЯТНИНГ ТАРБИЯЧИЛАРИДИР

Туркистон шаҳрида халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими Дархан Сатибалди иштирок этиб, кўп болали оналарга табрик хати ва “Алтын алқа” кўкрак нишони топширилди.

Шунингдек, минтақа раҳбари барча соҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизларни байрам билан кутлади. Жумладан, механизатор Алтин Қуттибайқизи, қурувчи Гулсिम Шалабаева, чорвадор Перизат Исқақова, жажжи болажонларни олов қуршовидан қутқариб қолган қаҳрамон оналар юксак эҳтиромга сазовор бўлишди.

Шодиёнада машҳур хонандалар А. Жўрабаева, Н. Серикбаева ва бошқалар иштирок этиб, тантанали концерт дастурига файз киритишди.

Вилоятимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган хотин-қизлар, турли ташкилотлар ходимлари “Rixos Turkistan” меҳмонхонасида уюштирилган фотоўрғазмани томоша қилишди, файзли дастурхон атрофида байрамни нишонлашди.



САРИОҒОЧЛИК КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРНИ САМИМИЙ ҚУТЛАШДИ

Байрам арафасида Сароғоч тумани ҳокими А. Абдуллаев оналарга “Алтын алқа” ва “Кўмис алқа” кўкрак нишонларини тақдим этди.

Президент фармони билан қаҳрамон оналарга қимматбаҳо совғалар топширилди, ажойиб куй-қўшиқлар тақдим этилди.

Бугунги кунда туманда 13635 нафар кўп болали оналар истиқомат қилади, уларнинг 169 нафари – қаҳрамон она, 1531 – “Алтын алқа”, 6177 нафари – “Кўмис алқа” соҳибалари.



АРИСДА ҲАМ ШОДИЁНА

Байрам муносабати билан арислик оналарга ҳам юксак эҳтиром кўрсатилиб, эзгу тилаклар билдирилди.

Шаҳар раҳбари Г. Қурманбекова кўп болали оналарнинг уйларига бориб, шахсан совға-саломлар топширди.

11 ўғил-қиз тарбиялаган Турсин Қўсалиева “Алтын алқа” соҳибаси, фронторти меҳнаткаши, 40 нева ва 35 чеваранинг сеvimли бувижониси. Ҳоким қадрли онахонни табриклагач, 90 ёшли, 10 фарзанднинг онаси, 22 нева ва 14 чеваранинг бувиси бўлган пиру бадавлат Бибисара опа, сўнг машҳур чорвадор, қаҳрамон она Алтин Турисова хонадониди бўлди.

Ўз навбатида, арислик онахонлар ҳам юртимизга файзу барака тилаб қолишди.



ЖАМОАТ АРБОБЛАРИГА – МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

Узоқ йиллар ўқитувчилик қилиб, Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати депутати бўлган Сайлауқул Барақова ҳамда журналист, ёзувчи, маданият соҳасида 6 йил раҳбарлик лавозимида хизмат қилган Кулия Айдарбековаларнинг хонадонларига махсус ташриф буюрган вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев уларга вилоят ҳокимининг совғаларини топширди. Тадбирда вилоят маданият бошқармаси раҳбари Азимхан Қўйлибаев ҳам иштирок этди.

Шундан сўнг вилоят ҳокимининг ўринбосари қозоқ халқининг фаҳрига айланган устоз шоир Ханбиби Есенқарақизини табриклаш учун йўл олди. Шоира хасталаниб, шифохонада даволанмоқда. У вилоят раҳбарининг табригини қувонч билан қабул қилиб, амалга ошираётган ишларига ижобий баҳо берди.



Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан вилоят тараққиётига ҳисса қўшган фаол жамоат арбоблари, жанубнинг мўтабар онахонлари тақдирланди. Таълим ва маданият соҳаларининг фахрийларига вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг байрам совғалари топширилди.



ЖАСУР ҚУТҚАРУВЧИ ТАҚДИРЛАНДИ

Мақтаарал тумани Жамбил қишлоғида мактаб ўқувчиси сувда оқиб кетаётган 3 ёшли болани қутқариб қолган эди. Бу ҳодиса ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлиб, ҳамюртларимиз томонидан муносиб баҳосини олди. Туркистон вилоятининг ҳокими Дархан Сатибалди мард ўқувчини қабул қилиб, уни муқофотлади.

Қ. Укибаев номидаги 37-сонли умумий ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Нуркелди Нурпўлат 4 март куни эрталаб кичкина боланинг каналда оқиб кетаётганини кўриб қолган. Нуркелди дарҳол отдан тушиб болани қутқаради. Ҳушини йўқотган боланинг оёқ-қўлларини уқалаб, сунъий нафас олдиради, дастлабки ёрдам кўрсатади. Қутқарилган бола 3,5 ёшда экан. Кичкинтойни қутқарган Нуркелди Нурпўлат 2008 йили 1 декабрда Жамбил қишлоғида туғилган.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Одамларнинг фикри, ҳар бир илтимос ва таклифи муҳим. Ана шу муносабатдан келиб чиққан ҳолда Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди аҳоли билан учрашувларини Сайрам туманида давом эттирди. Аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб бериб, тумanning тараққиёт суръатлари ҳақида фикр юритди. Таълим, қурилиш, инфратузилма, ичимли сув, газ таъминоти ва бошқа соҳалардаги долзарб масалаларни тинглади.

– Аҳоли муҳим масалаларни кўтармоқда. Адолатли қарор қабул қилиш учун ҳар икки томон ҳам бирдек тингланиши зарур. Шунинг учун ҳар бир савол ва шикоят батафсил ўрганилади. Биз давлат томонидан бажариладиган ишларни ўз зиммамизга олаемиз. Аҳоли томонидан қўллаб-қувватланадиган, фаол иш юритилса, иш юришади. Айни пайтда Сайрам тумани улкан салоҳиятга эга ва тараққиёт берадиган туманлардан бири. Муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш учун ўтган йили туманда 7та бюджет-сармоявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, муҳандислик-алоқа тармоқлари: ичимли сув, газ, электр энергияси таъминоти, йўллар учун 848,4 млн. тенге маблағ ажратиш кўзда тутилиб, 3та иншоот фойдаланишга топширилди. Сув қувурларини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиб, қудуқлар қазилиб, сув миноралари ўрнатилди.

Оқсувобод қишлоғида 32 гектар майдонда сув тармоғи тортилиб, 300 нафар аҳоли ичимли сув билан таъминланди. Айтекебий қишлоғида ҳам ичимли сув тармоғи тортилиб, фойдаланишга топширилди. Тумандаги 42та аҳоли манзилидан 32таси табиий газ билан таъминланган. 2022 йилда Қутарис, Қизилжар, Оқсувобод, Аймауит, Ақарис, Кўлент қишлоқларида газ қувурлари тортилди.

2022 йилда 6та аҳоли манзилида 25,3 қақирим электр тармоқлари янгиланди, 15та янги трансформатор ва 1113та янги симёғоч ўрнатилди. Ўтган йили 2,6 млрд. тенгега вилоят аҳамиятига молик 5та автомобиль йўлининг 17,5 қақирими, 184,3 млн. тенгега 13та ички кўча ўртача таъмирланди. Бу борадаги ишлар давом этади, – деди Дархан Сатибалди.

Ўтган йили сайрамликлар вилоят раҳбариятига 16та масала юзасидан мурожаат қилган эди. Уларнинг аксарияти ҳал қилинди. Чунончи, “Қишлоқ – юрт бешиги” дастури муҳандислик-алоқа тармоқлари: ичимли сув, газ, электр энергияси таъминоти, йўллар учун 848,4 млн. тенге маблағ ажратиш кўзда тутилиб, 3та иншоот фойдаланишга топширилди. Сув қувурларини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиб, қудуқлар қазилиб, сув миноралари ўрнатилди.

Оқсувобод қишлоғида 32 гектар майдонда сув тармоғи тортилиб, 300 нафар аҳоли ичимли сув билан таъминланди. Айтекебий қишлоғида ҳам ичимли сув тармоғи тортилиб, фойдаланишга топширилди. Тумандаги 42та аҳоли манзилидан 32таси табиий газ билан таъминланган. 2022 йилда Қутарис, Қизилжар, Оқсувобод, Аймауит, Ақарис, Кўлент қишлоқларида газ қувурлари тортилди.

2022 йилда 6та аҳоли манзилида 25,3 қақирим электр тармоқлари янгиланди, 15та янги трансформатор ва 1113та янги симёғоч ўрнатилди. Ўтган йили 2,6 млрд. тенгега вилоят аҳамиятига молик 5та автомобиль йўлининг 17,5 қақирими, 184,3 млн. тенгега 13та ички кўча ўртача таъмирланди. Бу борадаги ишлар давом этади, – деди Дархан Сатибалди.

Ўтган йили сайрамликлар вилоят раҳбариятига 16та масала юзасидан мурожаат қилган эди. Уларнинг аксарияти ҳал қилинди. Чунончи, “Қишлоқ – юрт бешиги” дастури муҳандислик-алоқа тармоқлари: ичимли сув, газ, электр энергияси таъминоти, йўллар учун 848,4 млн. тенге маблағ ажратиш кўзда тутилиб, 3та иншоот фойдаланишга топширилди. Сув қувурларини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиб, қудуқлар қазилиб, сув миноралари ўрнатилди.

Оқсувобод қишлоғида 32 гектар майдонда сув тармоғи тортилиб, 300 нафар аҳоли ичимли сув билан таъминланди. Айтекебий қишлоғида ҳам ичимли сув тармоғи тортилиб, фойдаланишга топширилди. Тумандаги 42та аҳоли манзилидан 32таси табиий газ билан таъминланган. 2022 йилда Қутарис, Қизилжар, Оқсувобод, Аймауит, Ақарис, Кўлент қишлоқларида газ қувурлари тортилди.

Ўтган йили сайрамликлар вилоят раҳбариятига 16та масала юзасидан мурожаат қилган эди. Уларнинг аксарияти ҳал қилинди. Чунончи, “Қишлоқ – юрт бешиги” дастури муҳандислик-алоқа тармоқлари: ичимли сув, газ, электр энергияси таъминоти, йўллар учун 848,4 млн. тенге маблағ ажратиш кўзда тутилиб, 3та иншоот фойдаланишга топширилди. Сув қувурларини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиб, қудуқлар қазилиб, сув миноралари ўрнатилди.

уйи қурилиши учун ҳам маблағ ажратилмоқда.

Шунингдек, 2022 йилда Қўлент қишлоғида газ тармоқларини қуриш учун 395,5 млн. тенге, Оқсувобод қишлоғида эса 215 млн. тенге маблағ ажратилган.

Ҳоким билан учрашувда аҳоли томонидан инфратузилма, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муаммоларга оид масалалар кўтарилди. Шахсий қабулда аҳоли вилоят раҳбари билан эркин фикр алмашиб, саволлар билан мурожаат қилди. Бошқарма ва ҳуқуқ-тартибот идоралар раҳбарлари ҳам фуқароларни қабул қилди. Хулосалар баённомага киритилди.

Ўтган йили Сайрам туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 57,5 млрд. ни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 11,4 млрд. тенгега ошди. Асосий капиталга йўналтирилган сармоялар ҳажми 39,5 млрд. тенгени ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 10,7 млрд. тенгега ошди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш заводлари ҳамда газоблок ва нефтни қайта ишлаш заводи лойиҳалари доирасида 150та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги соҳасида 124 млрд. тенгелик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

● Хожа Аҳмад Яссавий таваллудига – 930 йил

ЧОРДАРАДА БАДИИЙ СЎЗ УСТАЛАРИ ТАНЛОВИ ЎТДИ

Жорий йил барча туркий халқларнинг маънавий устози Хожа Аҳмад Яссавий таваллудининг 930 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан Чордара шаҳрида “Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари” мавзусида туман миқёсида танлов уюштирилди.

Тадбир буюк аллома, қозоқ халқининг қадим маданияти тарихида алоҳида ўрин тутган дин арбоби, сўфийлик шеърини асосчиси Хожа Аҳмад Яссавийнинг бебаҳо асарларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Ҳакамлар ҳайъати номзодларнинг овози ва ижро маҳорати, саҳна маданияти бўйича баҳолаб, совринли ўринларни белгилашди.

Натижада Мадина Жанғақизи танловнинг бош совринига сазовор бўлди, Ғани Аманов 1-ўринни қўлга киритди. Танлов ғолибларига махсус диплом ва совғалар топширилди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ИШТИРОКЧИЛАР ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида 16 март куни ўтадиган теледебатга тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Тадбирда “Хабар” телеканали сиёсий партияларнинг сайлов арафасидаги теледебат регламентини ишлаб чиққан маълум қилинди. Унга кўра, теледебат уч босқичда ўтказилади. Мажлисда комиссия аъзолари теледебатда иштирок этадиган партия вакилларининг рўйхатини тасдиқлади.

МСК раиси Нурлан Абдиров раислигида ўтган мажлисда бундан ташқари “Электрон ҳуқумат” порталида фуқароларни рўйхатга олиш ўрни ва сайлов участкаларининг манзиллари ва бошқа маълумотларни онлайн текшириш хизматини ишга тушириш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларини аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, айрим сайлов участкаларида овоз беришнинг бошланиши ва яқунлашининг вақтини белгилаш ҳақида фикр юритилди.

Мажлисда маъруза қилган МСК аъзоси Анастасия Шегорцова те-



ледебат давомида иштирокчилар ўзларининг сайловолди дастури билан таништириш, рақибларига савол бериш, сайловчиларнинг саволларига жавоб бериш, шунингдек, сайловчиларга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

– Тасдиқланган қоидага кўра, иштирокчиларга қўйиладиган умумий талаблар, сўзга кишиш навбати, мунозара тили ва давом этиш вақти белгиланади. Иштирокчиларнинг таркиби тасдиқланди. Унда “AMANAT” партиясидан Ерлан Қўша-нов, “Ауыл” халқ-демократик ватанпарварлик партиясидан Жигули Дайрабаев, «Respublika» партиясидан Айдарбек Қўжаназаров, Қозоғистон

Халқ партиясидан Ермухамет Ертісбаев, Қозоғистон “Байтақ” яшиллар партиясидан Азаматхан Амиртаев, “Ақ жўл” Қозоғистон демократик партиясидан Азат Перуашев, Умумийлик социал демократик партиясидан Нурлан Ауесбаев иштирок этиши тасдиқланди, – деди А. Шегорцова.

МСК котиби Мухтар Ерман халқаро сайлов институти очилгандан буён 16та давлат ва 4та халқаро ташкилотдан 165 нафар кузатувчи аккредитациядан ўтганини маълум қилди.

МСК раисининг ўринбосари Константин Петров маҳаллий ижро органлари сайловчилар тизими бўйича улкан иш бажарганини таъкидлади.

– Ўтган сайловлар тажрибаси



ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТ МАЖЛИСИ ВА МАСЛАҲАТЛАРИГА

САЙЛОВ

қўрсатганидек, фуқароларнинг аксарияти сайловчилар тизимида бор-йўқлиги вақтида текширилмайди. Улар асосан сайлов куни ўзларини сайловчилар рўйхатига киритишга ҳаракат қиладилар. Шу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида МСК Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрофазо саноати, Ички ишлар вазирликлари билан ҳамкорликда икита онлайн-сервисни ишга туширди, – деди у.

Мажлисда Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрофазо саноати вазирининг ўринбосари Асет Турисов кузатиш ва фуқароларни бир неча марта рўйхатга олишининг олдини олиш юзасидан фикрларини илгари сурди. У овоз бериш куни фуқаролар eGov mobile иловаси, шунингдек, банкларнинг мобил иловалари орқали рақамли ҳужжатларни тасвир этиш имкониятига эга эканлигини эслатди.

Марказий сайлов комиссияси маълумотлари асосида.



ОКСУКБАЕВ ЖАНБОЛАТ АБДЕШОВИЧ

7-сонли Сайлов округи бўйича
ҚР Парламенти мажлисининг
депутатлигига номзод

ХОЛИС АДОЛАТ –
ЭЛ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
КАФОЛАТИ

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Ўзимнинг билимим ва тажрибамни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва суд соҳасидаги уюшган жиноятчиликни бартараф этишда қўлламан. Давлат муассасалари ва органларида хизмат қилаётган мансабдорларни тартибга чақиришга ҳаракат қиламан. Юртимиздаги расмийчиликни тағ-томири билан суғуриб ташлашга куч сарфлайман.

Менинг ширим – эртага эмас, айнан ҳозир халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш.

Қадрли сайловчилар!

Сайловолди дастуридаги бош мақсадим:

Мен бирон бир партия сафига кирмай, ўзимни тавсия этишимдан бош мақсад – барча партияларга ишонмаслигим туфайлидир. Ваҳоланки, мен билан суд соҳаси аҳоли ҳуқуқ ҳимоячиларининг адолатсиз ҳаракатлари бошимдан ўтган.

(Депутатликка номзод Ж. Оксукбаевнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов Марказий сайлов комиссияси жамғармаси маблағидан амалга оширилади).



АМИРОВ АКМАЛ АБДУЛҲАМИДОВИЧ

12-сонли Сайлов округи бўйича Кентов
шаҳар маслаҳати депутатлигига номзод

ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Мен, Амиров Акмал Абдулхамидович 1980 йили 22 январда Кентов шаҳри Қарноқ қишлоғида дунёга келдим. Қишлоқдаги К. Маркс номи ўрта мактабни 1997 йили тамомлаб, Туркистон шаҳридаги Х. А. Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетининг шарқшунослик факультетини араб ва инглиз тили ўқитувчиси ихтисослиги бўйича тамомладим. Меҳнат фаолиятимни 2001 йили Кентов шаҳридаги Қозғоғистон 30 йиллиги номи ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб бошладим. 2006 йили Атиров шаҳрида GATE хорижий компаниясининг хавфсизлик бўлимида таржимон, бўлим раҳбари бўлиб ишладим. TEN PARTS муассасасида 2021 йил 25 январгача ишладим. 2017 йили Атиров вилояти ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси этиб сайландим. 2021 йилдан хусусий тадбиркор, "Амир Тере" хусусий компанияси директоринман.

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

- Қишлоқ хўжалиги соҳасида - деҳқон хўжаликлари, кооперацияларда маҳсулот етиштириш ва қайта ишлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашига ёрдам кўрсатиш;
- Қишлоқ бюджети чекланганлиги туфайли қишлоқ ҳокимлиги девони билан ҳамкорликда қўшимча молиялаштириш манбаларини қидириб топиш;
- Қишлоқ округи аҳолисининг ва деҳқон хўжаликларининг оқар сув билан таъминлаш муаммоларини амалда ҳал қилиш;
- Ирмоқ ўзани сув омборини туб таъмирдан ўтказишга ёрдамлашиш;
- Таълим ва маданият соҳасида қишлоқ мактабларида ўқувчилар сонининг кўпайиши муносабати билан қўшимча ўқув биноларини қуриш масаласида ёрдам кўрсатиш;
- Қишлоқда "Қулай мактаб" лойиҳаси доирасида 300 ўринли янги мактаб биносини қуришга эришиш;
- Қишлоқда замонавий Маданият уйи қурилишини бошлашга эришиш;
- Спорт соҳасида болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланишда ёшлар билан соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича доимий иш олиб бориш, қишлоқда ўйингоҳни туб таъмирдан ўтказишга кўмак кўрсатиш;
- Қишлоқда деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этишда, янги иш ўринларининг очилишида ёрдам кўрсатиш;
- Қишлоқни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария тозаллигини сақлаш масалаларида қишлоқ ҳокими девони билан тигиз иш юритиш;

- Ногиронлар, нафақадорлар, фахрийлар, турмуш даражаси паст ва кўп фарзандли оилаларга доимий ёрдам кўрсатиш;
- Қарноқ қишлоғида ўттириш бўлимини очишга киришиш;
- Қишлоқда Қусчи ата – Кентов йўналиши бўйича жамоат транпорти қатновини йўлга қўйиш;
- Қишлоқ округи ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Диплом билан қишлоққа" дастури доирасида ёшларни иш билан таъминлаб, бўш ўринларни тавсия этиш;
- Қишлоқдан чиққан машҳур инсонларнинг маданий меросини тарғиб қилиш мақсадида маданий-тарихий туризмни ривожлантириш мажмуасини тайёрлаш ва ҳаётга тадбиқ этишга киришиш;
- Қишлоқни табиий газ билан таъминлаш, интернет тезлигини оширишга эътибор қаратиш;
- Қарноқ, Қусчи ата, Байилдир, Хонтоғи, Ачисой қишлоқларида ижтимоий тотувлик, бирликни мустаҳкамлашга ҳисса қўйиш;
- Ёш авлодни миллий қадриятларимизни ардоқлаш руҳида тарбиялашга ҳисса қўйиш;
- Уюшган жиноятчиликка қарши курашни изчиллик билан давом эттириш.

Ҳурматли сайловчилар!

Мен сайловчиларим ва халқ билан доимо биргача. Қарноқ қишлоғининг ютуқлари, аҳоли манфаати учун амалга оширилиши зарур бўлган барча муҳим ишлардан яхши хабардорман. Сизлар билан бирга қадим ва навқирон Қарноқни гуллаб-яшнаган ва фаровон қишлоққа айлантиришимизга ишончим комил.

(12-сайлов округидан Кентов шаҳар маслаҳати депутатлигига номзод А. Амировнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов Марказий сайлов комиссияси жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади).

ВИЛОЯТИМИЗДА НАВРЎЗ 10 КУН НИШОНЛАНАДИ

Туркистоннинг маънавий-маданий пойтахт мақомини янада юксалтириш мақсадида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда вилоятимизда яқинлашиб келаётган миллий байрам – Наврўз 10 кун давомида нишонланади. 10 кун давомида муҳим санага алоҳида эътибор қаратилиб, "Тозалик куни", "Меҳрибонлик куни", "Болалар куни" каби алоҳида шаклда ўтказилади.



Бу ҳақда Туркистон вилояти ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари Ансар Ўсербоев маълум қилди. Тадбирда вилоят маданий бошқармаси раҳбари Азимхан Қўйлибаев, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбар ўринбосари Ербулан Жанибеков ҳам иштирок этди.

Ансар Жанабайулиннинг сўзларига кўра, байрам доирасида шанбалик, турли челленжлар,

концерт дастурлари, миллий таомлар ва ҳунармандчилик кўргазмалари, танловлар ва беллашувлар, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар, хайрия тадбирларини ўтказиш режаланган.

– Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тоқаев ўтган йили вилоятимизга махсус ташрифи чоғида Туркистонга маънавий пойтахт мақомини бериш ташаббуси

билан чиққан эди. Шу билан бирга, вилоят маркази, туман, шаҳарларда Наврўз байрамининг мазмун-моҳиятини оширадиган, юртимизда бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган кенг қўламли тадбирлар ўтказилади. Барча тадбирлар Президент Мактублари, ижтимоий ташаббуслари ҳамда муҳим мақолалари, шунингдек, бошқа давлат дастурий

ҳужжатларидаги устувор йўналишлари асосида амалга оширилади, – деди Ансар Ўсербоев. Брифингда сўзга чиққан вилоят маданият бошқармаси раҳбари Азимхан Қўйлибаев бу йил Наврўз байрамини вилоятда 11 март куни «Наврўз – поклик кўзгуси» номи шанбаликдан бошланиб, 23 март куни «Наврўз – мурувват байрами» хайрия тадбири билан давом этишини таъкидлади.

– Байрам арафасида «Наврўз – эзгулик жарчиси» челленжи ташкил этилиб, ижтимоий тармоқларда эълон қилинади. 14 март куни соат 08.00да «Наврўз – саломатлик гарови» умуммиллий югуриш марафони ўтади. 17 март куни эса «Наврўз – янгилик ойи» мавзусида барча мактабларда, мактабдан ташқари муассасаларда концерт дастурлари, амалий санъат кўргазмалари, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ногирон болаларга ёрдам бериш тадбирлари ташкил этилади.

Шу кун вилоятдаги таълим муассасаларига болаларни ташкил учун мўлжалланган 71та автобус тантанали равишда топширилади. Шунингдек, 20 март куни «Карвон Сарой» мажмуасида «Наврўз – ярмарка» номи I Халқаро «Kazagro/kazfood» Turkistan савдо ярмаркасининг очилиши бўлиб ўтади, – деди Азимхан Қўйлибаев.

Таъкидлаш жоизки, вилоятдаги байрам тадбирлари оқсодлар ва фахрийлар, кекса авлод вакилларининг эзгу тилаклари ва дуоларини – «Наврўз дуо» анъанаси билан яқунланади.

М. САФАРОВА.

“ЧАНҒАРОҚ” АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ

Вилоятда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари орасида “Халқ бирлиги – мамлакат яхлитлиги” мавзусида “Чанғароқ” кўрик-танлови бошланди. Бу ҳақда брифингда вилоят “Жамоат тотувлиги” муассасаси раҳбари ўринбосари Е. Баевтов маълум қилди.

Ушбу танлов минтақада ижтимоий тотувлик ва миллий бирдамликни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилмоқда. Ундан кўзланган мақсад – ижтимоий тармоқлардаги қайдлар орқали миллиятлараро тотувлик ва ватанпарварликни, давлат яхлитлиги ва Ватан ҳимояси йўлида хизмат қиладиган касб эгалари ҳамда меҳнат одамларини, юрт осойишталиги ва жамият бирлигини мустаҳкамлаётган ватанпарвар фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини танланган этишди.

Ерназар Кўпжасарулиннинг сўзларига кўра, “Чанғароқ” кўрик-танлови 1 март куни бошланди. Танловнинг умумий соврин жамғармаси бир миллион тенгени ташкил этади. Унда исталган ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари, журналист ва блогерлар, матбуот марказлари мутахассислари иштирок этишлари мумкин. Танловда иштирок этиш учун Facebook, Вконтакте, Instagram саҳифаларидан бирида танлов қоидаларига мос келадиган материални чоп этиш зарур. Жумладан, “Чанғароқ” журналистлар клуби гуруҳига обуна бўлиш ва танловга тақдим этилган материалларни ушбу гуруҳда чоп этиш мумкин.

Брифингда иштирок этган вилоят ҚХА қошидаги Журналистлар ва блогерлар клуби раиси Ерсултан Амирбек танлов шартлари-га батафсил тўхтади.

Танловга жорий йил 1 мартдан 10 июнгача давлат тилида чоп этилган материаллар қабул қилинади. Танловга тақдим этилган ишлар энг кўп овоз тўплаш ва ижтимоий тармоқлар ёки блогларда энг кўп бўлиши бўйича баҳоланади. Бунда ўқувчилар эътиборини қанчалик жалб қила олиншига эътибор қаратилади.

Танлов якунлари жорий йил июнь ойида, оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида эълон қилинади ва голиблар ташаккурнома ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланади. Шунингдек, танловда иштирок этган энг яхши номзодлар ҳам рағбатлантирилади.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ТУРКИСТОНДА ИЛК БОР ХАЛҚАРО АГРАР КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ

Бу йил Туркистонда 20-22 март кунлари I “KAZAGRO/ KAZFOOD TURKISTAN” илк халқаро кўргазма-ярмаркаси ўтади.

Бу ҳақда брифингда вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Ербулан Жанибеков маълум қилди.



Бошқарма вакилининг сўзларига кўра, 3 кун давом этадиган халқаро тадбирда Туркия, Россия, Ўзбекистон, Венгрия каби 20 та давлатдан делегациялар иштироки кутилмоқда. Тадбирда бугунги куннинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинади. Биринчидан, юқори сифатли уруғлик етиштириш, таъминлаш. Иккинчидан, сувни тежаш технологияси. Учунчидан, Туркистон вилоятида гўшт етиштириш ва гўшт экспорт қилиш технологияси. Уни ривожлантириш ва шу каби мавзулардаги масалалар муҳокама қилинади.

Ярмаркада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари, сармоядорлар, ишлаб чиқарувчилар иштирок этади. Халқаро кўргазма доирасида вилоятлар ва туркий давлатлар иштирокида тадбирлар ўтказилади. Байрам кенг нишонланади, гастрोфестиваль, қайиқлар ва мушакбозлик намойишлари, миллий спорт мусобақалари, тарихий қадимжоларга саёҳатлар ташкил этилади. Санъат юлдузлари иштирокидаги концерт дастурлари намойиш этилади. Этник тадбирлар ўтказилади. Агрофорум доирасида деҳқон хўжаликларида тажриба алмашиш режалаштирилган.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги бошқармаси кўмағида 23 март куни Туркистонда наслдор қорамоллар кўргазмаси ўтади. Голиблар махсус мукофот билан тақдирланадилар. Бундан ташқари, “Карвонсарой” мажмуаси ҳудудида уч кун давомида туялар намойиши ва байрам ярмаркалари ўтказилади.

М. САФАРОВА.

ЕРАЛИЕВ САЙДИРАСУЛХАН АКБАРХАНОВИЧ



9-сонли сайлов округи бўйича "АМАНАТ" партиясидан Туркистон вилоят маслаҳати депутатлигига номзод

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ералиев Сайдирасулхан Акбарханович 1986 йил 1 мартда Жанубий Қозоғистон вилоятининг Чимкент шаҳрида туғилган. 2008 йилда Қозоғистон Республикаси Фаёққода вазиётлар вазириликнинг Қўштов техника институтини "Ёнги хавфсизлиги" мутахассислиги бўйича тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 2008 йилда Туркистон вилоятини Саригоғоч тумани фаёққода вазиётлар бўлимида терговчи сифатида бошлаган. 2009-2014 йилларда Туркистон вилоятини Саригоғоч тумани фаёққода вазиётлар бўлими катта терговчиси, 2014-2015 йилларда Шимкент шаҳри ёнги хавфсизлиги бўлимида қорғовуллик хизмати раҳбари, 2015-2017 йилларда «РСУ-1» МЧБ директорининг қўриқилыш ишлари бўйича уринбосари лавозимларида ишлаган. 2017 йилдан "Авторемстрой ЛТД" МЧБ директори. Ошлалли, 3 фарзанднинг отаси. «АМАНАТ» партияси аъзоси. Сайрам, Ўрдабоши туманлари, Туркистон шаҳри ҳокимларининг ташаккурномалари, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Қозоғистон Республикаси Президентининг Фармони-га кўра "Ёнги хавфсизлиги", "Қозоғистон Мустақиллигига 30 йил" медаллари билан тақдирланган. Сайдирасулхан Ералиев раҳбарлик қилаётган "Авторемстрой ЛТД" масъулияти чекланган бирдорлиғи "Энг яхши қурувчи-2017", "Энг яхши қуриш корхонаси – 2018" дипломлари билан тақдирланган.



САЙЛОВДИ ДАСТУРИ

Ҳурматли ватандошлар!

Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев адолатли Қозоғистонни барпо этишни Президентлик фаолиятининг байроғига айлантдири. Бундан буён мамлакат тараққиётининг мутлақо янги йўналиши иқтисодий жиҳатдан ўта самарали ва ижтимоий адолатли бўлиши нуқтани назардан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Катта ҳаётий тажрибадан фойдаланиб, Сайрам тумани манфаатини ҳимоя қилишни мақсад этиб, Туркистон вилоят маслаҳати депутати бўлишга тавakkал қилдим.

"АМАНАТ" партияси мамлакат тақдир масъулиятини ўз зиммасига олган. У ҳукумат ва маҳаллий ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилувчи партия сифатида давлатни ривожлантириш, халқ туришини яхшилашга интилади. Вилоятимизда ҳам келгуси 5 йилда шундай хайрли ишлар амалга оширилади. Агар менга ишонсангиз, депутат сифатида қуйдаги вазифаларни бажариб, муаммоларни ҳал қилишга ваъда бераман:

- 2023-2027 йилларда Сайрам туманидаги 42 аҳоли манзилдан 10та қишлоқни (23,8 фоиз) табиий газ билан таъминлашга ҳисса қўиши, уй-жой қуриш учун берилган ер участкаларида муҳандислик-инфратузилма ишларини амалга ошириш;
● яқин 2 йилда туманимизда оқар сув таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида каналларни тубдан таъмирлаш, электр устуларни ва линияларини алмаштириш учун бюджетдан маблағ ажратилишига эътибор қаратиш;
● 2023-2025 йилларда туманимиздаги вилоят ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари таъмирлаш, яйловлар танқислиги муаммосини ҳал қилишга кўмаклашиш;
● 2027 йилгача тумандаги 1568 гектар экин майдонларида томчилатиб суғориш усулини жорий этиш, 65 гектар майдонда иссиқхоналар қуриш ва уларнинг ҳажмини оширишга иштирок этиш;

- жорий йилда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган "Armo trading" МЧБ заводи (томат пастаси, ширинчи, концентратлар ишлаб чиқариш), "СХ ЖБИ" МЧБ темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш заводини янги таъмирлашга ҳисса қўиши;
● 2023-2024 йилларда Манкент қишлоқ округидаги Оққалъа қишлоғида 25 кишига мўлланган шифокорлик-амбулатория пункти қурилишига ҳисса қўиши, Қорамурт қишлоғининг Гупомов кўчасида сув қудуғи ва КТП ўрнатишга, Қорабулоқ қишлоғида тўлиқ ичимли сув тармоғи қурилишини амалга оширишга ёрдам бериш;
● ҳар йили "Қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш" қалдирғоч лойиҳасини амалга ошириш жараёнида тадбиркорларга микроасиялар олишда кўмаклашиш;
● ҳудудда ижтимоий тотувлик ва миллатлараро тинчликни сақлаш, этномаданият бирлашмалари вакиллари билан учрашиш, давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, халқ олдига ҳисобот беришдан аввал режалаштирилган вазифаларни бажаришга ҳаракат қиламан;

- мамлакатимизда уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳеч қачон тўхтамайди. Энди жиний йўл билан бойиб кетганлар жавобгарликка тортилади. Миллий бойликни талон-тароқ қилганларнинг ҳаракатлари жиноят ҳисобланади. Ерқин келажак учун кўпчилик билан бирга ушбу муаммони ҳал қилишда иштирок этиш;

- Дастлабки иш ўрни, "Қумуш ёш", "Бизнесни бошлаш" лойиҳаларини мунтазам қўллаб-қувватлаш;

- йўл болалар ва кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг маънавий ва ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдам кўрсатиш;

- ватанимиз манфаати йўлида ёшларнинг барча имкониятларидан самарали фойдаланиш учун соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, жойларда спорт, маданиятга эътибор қаратиш, ёшларнинг қичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланиши борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

- туманимизда "Соғлом миллат", "Қулай мактаб", "Нурли йўл" давлат дастурларининг амалга оширилишини назорат қилиш.

Шиорим: «Мен доим халқ биланман»

Ҳурматли қорабўлоқликлар!

Сиз демографик кўрсаткичи кучли бўлган энг йирик қишлоқ сифатида бутун республикамизга танилгансиз. Мол бўрдоқлаш, гўшт етиштириш, деҳқончилик, мўл-ҳосил олишда ҳамини олдინдасиз. Ҳар йили янги уйлар қуришингиз керак, чунки одамлар сони ортиб бормоқда. Албатта, қурилиш биринчи навбатда инфратузилмани талаб қилади. Ичимли сув, электр энергияси, табиий газ ҳар бир оилага ҳаводек зарур. Мен бундан хабардорман. Бундан ташқари, қишлоқнинг ички кўчаларини таъмирлаш, мактаблар, автотурагоҳлар қуриш каби муаммолар билан ҳам танишман.

Ҳурмати Қорамурт қишлоғи аҳолиси!

Қишлоқингиздан кўплаб жамоат арбоблари, олимлар, кучли санъаткорлар етишиб чиққан. Бир пайтлар қишлоқ соғиқ иттифоқда ўзининг номи билан машҳур эди. Бироқ ҳозир замон узгармоқда. Жамият узгарди, эл бозор иқтисодиётига ўрганди. Қишлоқингизга, биринчи навбатда, оқар сув керак. Бусиз деҳқонлар ёзининг ўртасида қурғоқчиликдан азият чекади. Бу йил қишда газ етишмаслигидан қийналдингиз. Бу ҳам долзарб масала. Бу жойда янги иш ўринлари яратилиши керак. Ёшларнинг шаҳарга кетаётганидан хабардорман. Яна бир масала, қўшни Тўлебўй туманидаги сизга яқин қиқиндихона ноқулайлик туғдирмоқда.

Ҳурматли манкентликлар!

Сиздек захматқаш, манглай тери билан ердан ҳосил олишга ўрганган, ҳар бир ишнинг кўзини билдирган инсонларга алангали саломлар. Яқинда Манкент билан боғлиқ муаммолар билан танишимин. Аввало, сизга уй қуриш учун ер участкаларининг ҳисобини олиш керак. Экинзорларни суғорадиган ариқларнинг ҳолати яхши эмас. Уларнинг аксариятини тубдан таъмирлаш керак. Аҳолининг тиббий хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш учун шифокорлик амбулаторияси зарур. Бу жойда электр энергияси, йўл муаммосини ҳал қилиш зарурлигини ҳам билламан.

Агар шундай муаммоларни кўтарсангиз, мен уни юқорига олиб чиқиб, туғунини ечишга ёрдам бераман. Ассосийси, бир-биримизга ишоншимиз керак.

"АМАНАТ" партияси ҳаминша халқ билан. Мамлакатдаги ассосий муаммоларни ҳал қилишга унинг аъзоларининг куч-қуввати ва малакаси етади. Шунингдек, мен кўплаб ваколатли органларга одамларнинг мурожаатларини етказоламан.

Сайловда фаол иштирок этайлик, юртдошлар!

Сизни энг муносиб номзодга овоз беришга чақираман!

(9-сайлов округидан Туркистон вилоят маслаҳати депутатлигига "АМАНАТ" партиясидан номзод С. Ералиевнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов Марказий сайлов комиссияси жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади).

РЕЖАМЕТОВ БАБАМУРАТ МУЗАББАРОВИЧ



9-сайлов округи бўйича Туркистон вилоят маслаҳати депутатлигига номзод

ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Мен, Режаметов Бабамурат Музаббарович, 1985 йил 8 сентябрда Жанубий Қозоғистон вилоятини, Сайрам тумани, Сайрам қишлоғида туғилганман.

1992-2003 йилларда З. Ҳусанов номидаги ўрта мактабда ўқиганман.

2004-2008 йилларда Жанубий Қозоғистон Педагогика университетида таҳсил олиб, "Иқтисодиётчи" иқтисослигини эгалладим.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик билан шуғулланмоқдам.

Қозоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларини биламан. Уйланганман, 5 фарзандни тарбияламоқдаман.



САЙЛОВДИ ДАСТУРИ

Қадрли сайловчилар!

Мен депутатликка номзод сифатида вилоятимизнинг ёрқин келажигига ишонаман. Ва ўз тарафимдан қуйидаги мақсад ва вазифаларни бажаришга бел боғладим:

- Болалар ва спорт майдончаларини қуриб, ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ёрдамлашиш.

- Маҳаллий ижро органлари билан биргаликда ҳудудлардаги ахлатхона қолдиқларини қайта ишлаш корхоналари (чиқиндихона) масаласини ҳал қилиш.

- Минтақада ичимли сув масаласини ижобий ҳал қилишга ҳисса қўиши.

- Сайлов округимда янги болалар боғчалари ва мактаблар қурилишига эришиш.

- Мактаб ва идораларда сифатли интернет хизматини йўлга қўиши.

- Турмуши оғир оилаларнинг болаларини ўқитишга ёрдам бериш.

- Давлат бюджети ҳисобидан маҳаллий аҳолини табиий газ билан 100 фоиз таъминлашга эришиш.

- Ҳудудларда от спорти базаларини очиб ва миллий ўйинларни ташкил этиш.

Ҳурматли сайловчилар!

Агар менга ишонч билдириб, вилоят маслаҳати депутатлигига сайласангиз, маҳаллий ижро органлари билан ҳамкорликда муаммоларингизни ҳал қилишга, яъни минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўиши учун бор куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Сизни сайловда фаол иштирок этайишга чақираиб қоламан!

(Депутатликка номзод Б. Режаметовнинг сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов номзоднинг сайлов жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади).

КАМИЛЖАН МИРСААТОВИЧ УСМАНОВ



9-сайлов округи бўйича Туркистон вилоят маслаҳати депутатлигига номзод

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Мен, Усманов Камилжан Мирсаатович 1976 йил 26 августда Жанубий Қозоғистон вилоятини, Сайрам тумани, Сайрам қишлоғида туғилганман. 1982-1991 йилларда қишлоқдаги 19-сонли ўрта мактабда ўқиганман.

1991-1994 йилларда Сайрам туманидаги махсус касб-ҳунар техника билим юртида таҳсил олиб, "дурадгор-қурувчи" иқтисослигини эгалладим.

1995-1996 йилларда ҳарбий бурчимни Қозоғистон Республикаси Қуролли кучлари сафида ўтадим.

1999-2004 йилларда Астана шаҳрида "Базис-А" корпорациясида қурувчи бўлиб ишладим. 2004-2013 йилларда Чимкент шаҳар "Talan Construction қурилиш" МЧБ қурилиш корхонасида қурувчи бўлиб ишладим.

2013-2017 йилларда "FEB Stroy" МЧБ, 2017-2020 йилларда "АРТ Қўрылыс" МЧБ бошқарувчиси вазифасида хизмат қилдим.

2020 йилдан ҳозирги кунгача "Авторемстрой ЛТД" МЧБда ишлаб келмоқдаман.

Қозоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларини яхши биламан. Оилалиман, 4 фарзандни вояга етказмоқдаман.



САЙЛОВДИ ДАСТУРИ

Менинг сайловда иштирок этишимдан мақсад – мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссамни қўиши.

- Эл тинчлигини таъминлаш йўлида миллатлараро бирдамликни мустақкамлаш учун ҳаракат қиламан.

- Тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини аҳолига етказишда ҳаммабплигини таъминлашга ҳаракат қиламан.

- Таълим ва тиббиёт соҳаларини янада такомиллаштириб, аҳоли учун хизматларни қабул қилиш йўллари осонлаштираман.

- Олис ва чекка қишлоқлардаги энг долзарб муаммоларни мустақил ўрганиб, уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқаман.

- Чекка қишлоқлардаги болаларни спортга жалб этиб, турли тўғарақлар билан таъминлашга ҳаракат қиламан.

- Жойларда интернет ҳамда алоқа тизимларининг сифат даражасини яхшилаيمان.

- Қишлоқларда ишсизликни камайтириш учун сармоявий лойиҳаларни жалб этаман.

Менинг шиорим: "Қудратли давлат қуришга ҳиссамни қўшаман!"

(9-сайлов округидан Туркистон вилоят маслаҳати депутатлигига номзод К. Усмоновнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов Марказий сайлов комиссияси жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади).

КИТОБ – БИЛИМ БУЛОҒИ

Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги "Далабозор" умумий ўрта мактабининг кутубхоначиси Дилфуза Абдужалилова 31 йиллик меҳнат тажрибасига эга, ўз касбининг фидойиси.



Фан ва техника тараққий этган замонда кутубхоналар керакми, дейдиган шахслар ораимизда кўп.

Лекин жорий йилнинг 19 мартда 50 ёшга тўладиган Дилфуза Тошмурод қизининг айтишича, "китоб", "китобхонлик", "кутубхона" сўзларининг ўзаги арабчадан олинган бўлиб, асл мақсади – инсон маънавиятини бойитишга хизмат қилади, деган маънони аңглатади. Шу боис у ҳеч қачон эскирмайдиган қадрият.

Дилфуза Абдужалилова турмуш ўртоғи Қодиржон билан тўрт фарзанд ва 8 неварани ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашмоқда

Уларнинг мактабларда ёш китобхонлар сони кўпайса, ҳаттоки, ота-оналар ҳам фарзандлари билан китоб мутолаа қилиб, вақтларини мазмунли ўтказишса, деган тилақлари бор.

"Жанубий Қозоғистон" муҳбири.



ИНГЛИЗ ТИЛИ ҲАФТАЛИГИ ЎТДИ

Инглиз тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш куннинг долзарб масаласига айланди. Бугунги тараққиёт ҳар бир ўқитувчидан ўзига хос ижодкорлик, малака ва тажрибани талаб қилади. Ва, табиийки, ўқитувчиларга улкан масъулият юклайди. Чет тилини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Оқсувент қишлоғидаги Айша биби номли мактабда инглиз тили ҳафталиги уюштирилди.

Тадбир ҳар бир ўқувчининг шахсий салоҳияти ва заковатини баҳолашга ҳам имкон берди. Ва шу билан бирга, ҳафталик давомида биз, устозлар ҳам педагогик маҳоратимизни намоён қилиб, янги замонавий услубларга бой ҳолда очиқ дарслар ўтказдик. Ҳафта якунида ўқувчиларнинг инглиз тилига иштиёқини рағбатлантириш мақсадида барча фаол ўқувчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Арабга АБДУГАФФОРОВА, Ойша биби номли мактабининг инглиз тили ўқитувчиси.

Муштарий савол беради

"ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН"ДА ЎҚИГАН ЭДИМ

Саврон тумани Қорачиқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, вилоятимизнинг ибратли фуқароси, фаол жонқуяр обуначимиз Мирзахон Адҳамов таҳририятнинг Туркистон бўлимига қуйидаги саволи билан мурожаат қилди:

– "Жанубий Қозоғистон" газетасида ёзилган хушхабарни, яъни, қозоғистонлик фуқаролар Ўзбекистон давлатига сафари чоғида бир ой муддат бўлиш тартиби жорий этилганлиги ҳақида ўқиганман. Фарзандларим ўтган ҳафтада Ўзбекистонга боришганида божхонада шу масалани айтишганида ҳали аввалги беш кунлик тартиб ўз кучида, ҳеч қандай янгилик йўқ, – деб жавоб беришибди. Масалага аниқлик киритиб берсангиз.

Ушбу саволни ҚР "Дўстлик" ҳамжамияти раиси, ҚР Фахрий фуқароси Икромжон Ҳошимжоновга йўллаганимизда қуйидаги жавоб олинди.

– Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари фуқаролари учун ҳар иккала давлат раҳбарларининг ташаббуси билан аввалги божхона чекловлари олиниб, кўплаб қулай шароитлар яратилмоқда, хусусан, қозоғистонликлар Ўзбекистонга сафар чекишганида бир ой бўлиш тартиби шу жумладандир. Ушбу янги ҳужжат қонун доирасида кучга кириши учун ҚР Парламенти томонидан тасдиқланиши керак. Ҳозир Қозоғистон Парламенти муддатидан аввал тарқатилиб, 19 март кунига янги сайловлар белгилангани барчага маълум. Насиб этса, шу ой ичида сайланадиган ҚР Парламенти депутатларининг янги таркиби халқаро аҳамиятга молик энг муҳим вазифалардан бири сифатида ҳамюртларимизнинг қўшни Ўзбекистонда бир ой бўлиши хусусидаги мазкур масала юзасидан ратификация ҳужжатини қабул қиладилар.

Ш. МАДАЛИЕВ.

ҚЎЛ СЕҲРИДА ЯШИРИНГАН НАФОСАТ

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида истиқомат қиладиган заргарлик буюмлари шайдолари таниқли қозғоғистонлик ўзбек хунарманди ясаган санъат асарларига юксак баҳо берилган. Ҳа, ҳа, ҳайратдамисиз?! Моҳир ҳамюртимиз ватанига чексиз муҳаббат руҳида ясаган буюмлари унинг ҳар бир заррасида, ҳар бир нақши-ю, безагида, унга усталик билан ўрнатилган кўз ва ўша чизиқларга ўзига хос уйғунликни бахш этаётган безакларда жамланган. Кафтингда бемалол яшира оладиган кичик, лекин миллатнинг улкан тарихий маданияти намуналаридан мерос олган композиция уйғунлиги, ўша даврдаги санъат асарларига хос ҳамоҳанглигини ўзида акс этган.



Уста ясаган бежирим кумуш ва олтин буюмларнинг соҳиблари ундаги нафис чизиқларда акс этган мамлакатимиз тарихини ўрганишади. Ўзига хос ҳис-туйғу билан уни бармоқлари ва билакларига ҳамда кўксига тақиб юришади. Маънавий-тимиз ва ота-боболаримиз асрлар бўйи авайлаб келган тарихимиз қатидаги шарқона хунармандчилигимиз намуналарига ўзига хос эҳтиром ва эъзознинг ифодаси бу. Хуллас, ўтмишимизга қизиқувчанлик ва ихлосни олтин кўлли касб эгаси устахонасида кўзининг нури, қалбининг кўри билан яратяпти, шакллантиряпти.

Танишинг, ўз юрти тарихини ўзига хос услубда дунёга танитаётган заргар, Бутунжаҳон хунармандлар танловининг ғолиби, Қозғоғистон ифтихори, таниқли ҳамюртимиз Икромжон Рафиқов тахририятимиз меҳмони.

Сўнги йилларда Икромжон Муҳаммаджон ўғли фаолиятига журналистларнинг қизиқиши тобора ортиб боряпти. Устахонасида тақинчоқ устида диққатини жамлаб ишлаётган заргар ясаган буюмлари турли онлайн тадбирларда улкан муваффақиятларни қўлга киритиши ҳамда дунё хунармандлари эътирофига сазовор бўлиши ҳазилакам иш эмас ва ўз-ўзидан бўлмайд. Бунинг учун бир неча ўнлаб йиллар сарфланади...

– Нью Йоркда ўтган нуфузли Global Eco Artisan Awards 2022 танловида “Унутилаётган хунарлар” номинациясидаги гала-бағишни эштиб, роса қувондик. Бу сизга, табиийки, жаҳон миқёсида шўҳрат келтирди. Сизда кўли гул хунарманд билан бир ҳамшаҳар бўлишининг ўзи бахт. Сиз тақдим этган заргарлик буюмлари нимаси билан ҳакамлар қўйъатининг эътиборини қозонди? Швеция, Буюкбритания, Колумбия, Испания, Италиядан иштирок этган хунармандлар билан бир сафда ярим финалда туриш ҳамма устага ҳам насиб этавермайди.

– Археологларимиз яқинда топган “Ғарбий Қозғоғистон” мажмуасини тақдим этган эдим. Уша мажмуани Ғарбий Қозғоғистонда XV-XVI асрларда аёллар тақинчоқ билан археологларнинг тарихий топилмасини қадимги заргарларнинг ишлаш услубини амалда қўллаб бахарилганлиги боис ҳам бу ишимга юксак баҳо берилган бўлса ажаб эмас. Иш жараёнида анъанавий усуллардан ҳам фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб биламан. Металл фондаги нозик кумуш симли нақш заргарлик буюмларига ўзига хос услуб ва нафислик бахш этади. Қимматбаҳо тошлар ва металлари қайта ишлаб, уларга сай-

қал берамиз, сўнгра улардан нафис тақинчоқлар тайёрлаймиз. Янги ишлаш услубини ўйлаб топиш мураккаб, ваҳоланки, у асрлар бўйи анча тобланиши, одамлар руҳиятига сингдирилиши керак. Музейда кўрган заргар боболаримиз ясаган буюмларнинг худди шундай шаклини яратганлигимиз бизга омад келтирди.

– Демак, фаолиятингиз тўғрисида сиз тарихимизни

совға қилган фотоаппарати ҳам унга соҳа танлашда кўл келди. Сураткашлик касбини орзу қилган ўқувчига рағбат бўлди. Муҳаммаджон Рафиқов 20 йил мобайнида Ж. Шанин номидаги қозғоғистон хунармандлар ташкилотлари аввалдан бор ва улар истеъдоднинг донги анча юртларга тарқалиб ҳам улғуйган. 2010 йилдан эътиборан уюшма доирасида қозғоғистонлик хунармандлар ясаган буюмларини турли танловлар, кўргазмаларда намойиш эта бошлади. Қўштириладиган тадбирлар хусусида ахборот ўз вақтида кела бошлади. Алматы, Астана ва Қозғоғистоннинг турли шаҳарларидаги кўргазмаларга санокли кўнларда тайёргарлик кўрамыз. Хуллас, вилоятимизнинг хунармандлари ҳам устахоналаридан чиқиб, тайёрлаган маҳсулотимизни қадрлайдиган, баҳо-



МАРАТ ТИЛЕУҚАБИЛУЛИ АЛИХАНОВ

2023 йил 9 март куни Туркистон жамотчилиги ва зиёлилари ўрни тўлмас жудаликка дуч келди. Туркистон вилояти прокурори Марат Тилеуқабилули Алиханов 58 ёшида вафот этди.



У 1965 йил 7 январь куни собиқ Целиноград вилояти, Есил шаҳрида дунёга келган.

Е. Бўкетов номидаги Қарағанди давлат университети “Хуқуқшунослик” ихтисослиги бўйича тамомлаган.

Прокуратура органларидаги меҳнат фаолиятини 1989 йил Ақтўбе вилояти Ақтўбе шаҳар прокуратурасида терговчи сифатида бошлаган.

Оқсув туман суди, Павлодар вилояти Экибастуз тумани, Оқсув шаҳри ва Павлодар туманлари прокурори лавозимларида ҳалол меҳнат қилиб, Қозғоғистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма раҳбари лавозимларида фаолият юритган.

2012 йилда иқтисодий жиноятлар ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш агентлигининг Ақмула вилояти департаментининг раҳбари лавозимида ишлаган.

2014 йилдан эътиборан Қозғоғистон Республикаси Хуқуқий статистика ва махсус ҳисоб кўмитаси раисининг ўринбосари ва биринчи ўринбосари, ҚР Бош транспорт прокурори, Павлодар вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

2020 йил февраль ойидан шу кунгача Туркистон вилояти прокурори лавозимида ишлади. Ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашга бор куч-ғайратини сарфлаб, зиммасидаги вазифаларни шараф билан адо этиб, ўзини юксак савияда намойиш этди.

Прокуратура соҳасида кўп йиллик меҳнати, тажрибаси инобатга олиниб, идоравий ва давлат мукофотлари билан тақдирланган.

Прокуратура органлари фаолиятида қонун устуворлиги ва адолат қарор топишга улкан ҳисса қўшган юрт фуқароси сиймоси халқ хотирасида абадий сақланади.

Марат Тилеуқабилулининг вафоти муносабати билан оиласи, қариндош-уруғларига ва вилоят аҳолисига ҳамдардлик билдирамыз.

Таъзия изҳор қилувчилар:

**Д. САТИБАЛДИ,
Қ. БАЛАБИЕВ,
А. ЖЕТПИСБАЙ,
Е. АЛИМҚУЛОВ,
Б. ТАЖИБАЕВ,
Н. КҮШЕРОВ,
Е. КЕНЖАХАНУЛИ,
А. УМБЕТАЛИЕВ,
Ж. МАУЛЕНҚУЛОВ,
Б. ЖИЛҚИШИЕВ.**

АБАЙ

ҲИҚМАТЛАРИДАН

Яхшиликни билганга қайиш, ношукурга қайишмоқ қадри ерга урмоқдир.

Мард кўп сўраса ҳам озга рози бўлади, номард оз сўрайди, ортиқча берсанг ҳам рози бўлмайди.

Ёмон дўст сояга ўхшайди. Пешонанга кун тугса, қочиб қутула олмайсан, бошингда булут тўпланса, излаб топа олмайсан.

Дўсти йўқ билан сирлаш, дўсти кўп билан сийлаш. Қайғусиздан узоқ қоч, қайғулига қучоқ оч.

Юракнинг маслаҳатида амал қилиб гапирилганда гап ёлғон чиқмайди. Юракнинг айтганига кирмай, нафсининг буюрғанини қилсанг, сўзсиз адашсан.

Фақат ўзинг учун меҳнат қилсанг, ўз қорни гамида ўтлаган ҳайвонлардан бири бўласан, инсоният рағнақи учун меҳнат қилсанг, Аллоҳнинг севимли бандаларидан бири бўласан.

Дунё – улкан уммон. Вақт – тўхтамай елаётган шамол. Олдиндаги тўлқинлар – авлодлар, орқадаги тўлқинлар – аждодлар. Уларнинг давомийлигида абадий ҳаёт яшайди.

Баҳс – бу ҳам аслида илм ўрганганининг бир йўли. Бироқ унга ортиқча ҳирс қўйиш ярамайди. Чунки баҳсга ортиқча ҳирс қўйишдан мағрурлик, мақтанчоқлик, хусумат, ёлғончилик, ҳатто арзумаган нарсадан жанжал чиқариш ва бировга мушт кўтариш каби ёмон ғазалатлар тугилади.

Ziyouz.uz

Туркистон вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурори

Марат Тилеуқабилули АЛИХАНОВнинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Туркистон вилоят «Жанубий Қозғоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти Туркистон вилояти прокурори

Марат Тилеуқабилули АЛИХАНОВнинг бевақт оламдан ўтганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, ёру биродарларига чуқур таъзия изҳор этади, ҳамдардлик билдиради.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

WINNERS OF GLOBAL ECO Artisan AWARDS & CONFERENCE 2022



Textile - Handwoven
RENNY MANURUNG
Indonesia

Textile - Surface Decor
FIRDOSE AHMAD JAN
India


Jewelry
IKRAMZHAN RAFIKOV
Kazakhstan



Living Spaces-Decor
JULIEN FELLER
Belgium



Endangered Craft
NANA ADDAE GYAMERA
Ghana



Endangered Craft
CHUBA KO & TEAM
India

ҳам доимий равишда ўрганиб боришингиз керак...

– Касбим талабларидан бири шуки, мен тарихимизни теран ўрганишим ва боболаримиз, момоларимизнинг қадимий нақшларида акс этган тарихий воқеалар ўша даврдаги хунармандчилик асарларида ўз ифодасини қандай тоғланлигини изчил тадқиқ қилишим керак. Шу боис қаерга бормай, албатта, у ердаги санъат ёки ўлкашунослик музейларига кириб ўтаман. Бундай жойларда маънавий руҳ, ижодий нафас ва энг муҳими, боболаримиз кўлларида тобланган, юрак тафти билан йўғрилган тарихий гоғлар илҳами билан устахонамга қайтаман.

Мактабда ўрганган кимё, физика, геометрия фанлари касбимда мен учун сув ва ҳаводек зарур бўлган билимлар. Уларни амалда қўллаш билан нафис буюмлар яратилади. “Қозғоғистон хунармандлар уюшмаси” ташкил этилгандан сўнгра 2010 йили унга аъзо бўлдим. Ва шу пайтдан эътиборан яна бир ўзбек заргарини дунё таний бошлади.

Икромжоннинг болалигидан ижодий муҳитда вояга етганлиги унинг келгусида касб танлашига улкан таъсир кўрсатди. Отаси Муҳаммаджон аканинг ўғлига

санд бўлди. Ота ўз касбини давом эттирадиган ўғлини дуо қилди. Ўғил йиллар давомида рассом-заргар касбини ўрганди. Икромжон Рафиқовни ҳам бироз вақт ўтиб, вилоят драма театрига бутафор сифатида ишга тақлиф қилишди. Спектакль мобайнида ишлатиладиган жиҳозлар, асар қахрамонларининг эгар-жабдуқлари, қиличлари, тақинчоқлари айнан шундай рассом-заргарлар қўлидан чиқиши керак. Безак ва тақинчоқлар томошабинга узоқдан намойиш этилгани учун улар арзон материаллардан тайёрланади. У ерда, ўш йилга яқин ишлагандан сўнгра заргарлик касби устида изланишга, бор диққатини йўналтиришга қарор қилди.

– Шаҳримиздаги хунармандлар тарқоқ ҳолда ишлар эдик, – давом этади суҳбатдошим. – Масалан, чарм устаси, гилам тукувчилар, эгар-жабдуқ ясайдиган усталар, ёғоч-ўймакорлик, миллий либосларнинг тикувчилари бир-биримиз билан камдан-кам ҳолларда мулоқотда бўлардик. Бир уюшма тарзида фаолият юрита олмасдик. Қизиғи шундаки, ўша йилларда ҳам рассомлар уюшмаси, меъморлар уюшмаси, ёзувчилар уюшмаси фаолият

лай оладиган харидорлар ва хунармандлар ўртасида алоқа ўрнатилди. Заргар сифатида айнан мана шу уюшма билан ҳамкорлик туфайли ҳалқимиз орасида танила бошладим ва унинг ташкилотчиларидан миннатдорман.

– Уюшма туфайли қандай кўргазмаларда иштирок этишга муваффақ бўлдингиз?

– Иштирок этган дастлабки кўргазма “Шебер” танлови бўлди. Махсус қўти ясаб, унга қиз-келиндаримиз турли маросимларда тақадиган етти хил тақинчоқларни ҳакамлар хайъатига тақдим этдим. Ғолиб бўлдик ва Непалдаги хунармандлар кўргазмасига йўлланма олдик. Непаллик хунарманд ҳамкасблар ва уларнинг ишлаш услублари билан танишдик. Ота-боболаримиз анъанасига содиқ услубда ишлашаётгани, ишга ёндашувлари бизни руҳан яқинлаштирди. Қарағанди шаҳрида ўтган “Зергер” танловида ҳам турли номинацияларда совринли уч ўринни эгаллаганлик ҳамда ҳамкамларни ҳайратга солди. Уринлар аслида мен ясаган учта заргарлик буюмига берилган. Бироқ тақдирлаш пайтида уларни ясаган уста саҳнага чақирилди. Ҳатто ҳакамлар ҳам

уччала буюм муаллифи мен эканлигимни билмаган. Ҳаётимдаги қувончли ва қутилмаган воқеалардан бири таниқли санъатшунослар –ҳакамлар танловнинг ҳолис ўтганлигини эътироф этгани бўлди.

Қахрамоним 2019 йили қозғоғистонлик заргар сифатида АҚШда, Вашингтонда ўтган амалий санъат усталари буюмлари кўргазмасида ҳам иштирок этди. Қозғоғистоннинг АҚШ элчихонасида ўтган кўргазмада нафис санъат буюмлари меҳмонлар эътиборига ҳавола қилинди. Тарихий Бутунжаҳон савдо банкнинг мухташам буюмида ўтган заргарлик буюмларининг кўргазмасида, тарихимизни ўзида мужассам этган хотин-қизлар ҳамда эркаклар тақинчоқларининг савдоси уюштирилди. Хорижлик мижозлардан анчагина буюртмалар бўлди. Ўша йили Истанбулда ўтган заргарлик буюмлари фестивалида ҳам қахрамонимиз ясаган буюмлар таҳсинга сазовор бўлган ва мижозлар қалбидан жой олган.

– Санъат асарларингизни қадрлайдиган хорижлик ва марказийосиёлик мижозларингиз дидидаги фарқ нимада?

– Хорижлик буюртмачиларим аксарият ҳолларда харид қилаётган буюмининг келиб чиқиши, унинг қайси манбаларда қайд этилгани, ҳар бир нақшнинг нимани англатишига эътибор қаратишади. Ва чет эллик аёл мижозларга кўп ҳолатларда умр йўлдоши эксклюзив, фақат бир нусхада яратилган тақинчоқларни совға қилишга ҳаракат қилишади. Ҳамюрт мижозларимиз эса биз ясаган буюмларни бозордаги тилла буюмлар нархи билан таққослашади. Кўпчилик олтин буюмлар заводида ишлаб чиқарилган буюмлар бир қолипда ва бир неча юз минг нусхада тайёрланишидан беҳабар, табиийки, нархи ҳам шунга яраша бўлади. Заргар ясаган буюмлар ягона нусхада бўлиб, аниқ бир гоғ билан амалга оширилади. Афсуски, бизда эркаклар жуфтларига бундай совғалар қилишга одатланмаган. Ҳамюрт мижозларимдан аксарият ҳолларда аёллар ўзларига совға тарзида мендан заргарлик буюмларини харид қилишади. Фаолиятимга дахлсиз ҳолатда шундай хулосаларга келаман – оилавий қадриятларни эъзозлаган ҳолда замондошларимдан ахлига ҳада бериш маданиятини шакллантиришимиз жоиз. Хорижий давлатлардаги одамларнинг бир-бирига бўлган илиқ муносабатларини кўриб, бунга ҳавасим келади. Қисқа суратда этган инсонга қувонч бағишлаш учун бирон бир аниқ саналарни қутиб яшаш жоиз эмас.

– Суҳбатингиз учун раҳмат. Миллий қадриятларимизнинг бир қисми бўлмиш халқ амалий санъати ривожига ҳисса қўйишдан ҳориманг.

Мунира САЪДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

● Янги Қозоғистон бунёдкорлари

ХАЛҚАРО БАЙРАМ
ТАНТАНАСИ

Саврон тумани, Чипон қишлоғидаги Абай Ақжанов раҳбарлик қилаётган умумий ўрта мактабда халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган тадбир ташкил этилиб, турли соҳаларда меҳнат қилган ва қилаётганларни байрам билан муборакбод этдик.

Зулфия Кишибаева, Муҳаббат Абдувоситова, Дилноз Отаева, Анор Маҳкамбоева, Комила Маҳкамбоева, Маҳмуд Сайдуллаева, Дилдор Отаева, Қаромат Исаева каби онахонларга иззат-икром кўрсатилиб, Қурбонбой Ирисбеков раҳбарлигидаги Саврон тумани ҳамда Чипон қишлоқ ўзбек этно-

маданият бирлашмаси ҳомийлигида тайёрланган совғалар тақдим этилди.

Онахонларни Саврон тумани ҳокимлиги қошидаги Қозоғистон халқи Ассамблеяси вакили Арман Мирзабаева, қишлоқ фахрийлари кенгаши раиси Бахтиёр Исаев, директор Абай Ақжановлар муборакбод этиб, дил сўзларини изҳор этишди.

Жумадулла АБЕНОВ,
Чипон қишлоқ ўзбек
этномаданият бирлашмаси раиси,
Саврон туманининг
фахрий фуқароси.
Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Байрам арафасида -
ғўзалар танлови

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Шимкент шаҳар ўзбек драма театрида “Ўрта Осиё олий тиббиёт коллежи ғўзали – 2023” танлови ўтди.

Унда сўз олган коллеж муассислари Одилбек ва Дилрабо Жалтаевлар жамоа ва талабаларни муассасанинг яқинда олий малакали мутахассислар тайёрлайдиган билим юрти макomini олгани билан табриклаб, танлов иштирокчиларига муваффақият тилашди.

Коллеж директори Дилдора Ҳасанова ушбу масканда ҳозирги кунда 900дан зиёд талаба билим олаётгани, уларга 67 нафар муаллим таълим бераётгани, чунончи, у Шимкент шаҳридаги 11та давлат ҳамда 27та хусусий коллежлар орасида кучли бешликка киришни фахр билан таъкидлади. Яна бир хушxabар – талабалар келгуси йилдан эътиборан бир неча ихтисосликлар бўйича давлат буюртмаси асосида тахсил олиш, шунингдек, бакалавр даражасини эгаллаш имкониятига эга бўлишди.

Тадбир меҳмонлари – Қоратов туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Бауржан Қалдибаев, Шимкент шаҳар таълим бошқармаси етакчи мутахассиси Талғат Жанадилов,

сахнага таклиф қилинди. Улар ўзини таништириш, рақсга тушиш, касбий тайёргарлик ва пазандалик маҳорати борасида ўзаро куч синашдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг қорарига кўра, М. Илҳомжонова бош совринни кўлга киритди. Шунингдек, К. Бозортоева – “Хушқомат ғўзал”, Н. Абдуғофурова – “Маҳоратли ғўзал”, А. Барат – “Заковатли ғўзал”, Л. Ашурматова – “Санъаткор ғўзал” номинациялари билан тақдирланди.

Хонандалар Ғайрат Эргашев, Тоҳир Ғофуров, Абдуазим Абдулазизов ижросида дилрабо кўшиқлар янграб, коллежнинг рақс дастаси аъзолари Сабина Азаматова, Муниса Топшўлатоваларнинг чиқишлари иштирокчиларга бир олам шодлик бағишлади. Сухандонлар Зулайҳо Исмоилова ва



Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамияти раисининг ўринбосари Н. Жамолова, “Ишбилармон хотин-қизлар” ташкилоти ёшлар қаноти раисаси Карима Қўшмуратова коллеж жамоасининг бугунги ютуқларини эътироф этишиб, келгуси фаолиятига муваффақият тиладилар.

Шундан сўнг беллашув иштирокчилари Муниса Илҳомжонова, Комила Бозортоева, Нозима Абдуғофурова, Ақерке Барат, Лола Ашурматовалар

Алижон Маҳаммаджоновлар даврани файзли олиб боришди.

Тадбирни уюштиришда руҳшунос устоз Мафтуна Худойберганова жонбозлик кўрсатди.

Ғолиб ва совриндорларга коллеж раҳбарияти номидан ташаккурнома-лар ва совғалар топширилди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

● Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Туркистон шаҳридаги Амир Темури номли умумий ўрта мактабни 20 йилдан бун бошқариб келган устоз Рўзбой Юсупов фахрий ҳордиққа чиқди.

Тошкентдаги педагогика институтини тамомлагандан сўнг Рўзбой Иўлдош ўғли меҳнат фаолиятини 1982 йили Шароф Ниёзов номли мактабда бошлади. Педагогика соҳасидаги самарали меҳнати шаҳар, вилоят, республика миқёсида муносиб баҳоланган. Рўзбой Иўлдош ўғли умр йўлдоши Муҳаббат Тўлаган қизи билан қобил фарзандлар тарбиялаб, ширин-шакар неваралар кўришган.

Мақтабимиз устозлар жамоаси директор Рўзбой Иўлдош ўғлини хурмат-эҳтиром билан фахрий ҳордиққа кузатди. Ҳамкасблар салимий тилаklarини изҳор этиб, сиҳат-саломатлик ти-

лашди. Пайғамбар ёшига тўлиш муносабати билан ёзилган дастурхон атрофида кўплаб меҳмонлар қатори Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов ўринбосари Замир Олимжон ўғли билан Рўзбой Иўлдош ўғлининг кифтига тўн ёпиб, табрикладилар.

Наргиза ОЛИМОВА,
А. Темури номли
мактаб кутубхонаси
мудираси.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Н. МҮЛДАБОВЕВ тасвири.



● Келажак – билимли ёшларники

ФАЗИЛАТ ПОЙТАХТГА
ЙЎЛЛАММА ОЛДИ

Давлат тилини мукамал билиш – бурчимиз.

Эски Иқон қишлоғида тажрибали директор Махсуда Мамадалиева раҳбарлик қилаётган Ал Форобий номли умумий ўрта мактаб ўқитувчилари иқтидорли ўқувчилари билан ҳақли равишда фахрланади. Хусусан, 11-“А” синф ўқувчиси Фазилат Бобононова қозоқ тили бўйича мактаб, туман танлов босқичларида ғолибликни кўлга киритиб, республика танловида йўлланма олди.

да омад тилаб, мақтабимизнинг шонли тарихига зарҳал харфлар билан битиладиган улкан зафарга эришишига тилақдошми.

Машхура КАМОЛОВА,
қозоқ тили ва
адабиёти ўқитувчиси.

Суратда: мактаб директори М. Мамадалиева ва муаллима М. Камоловалар иқтидорли ўқувчи Ф. Бобононовани муборакбод этмоқда.

● Янги Қозоғистон бунёдкорлари

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА
ВА АДАБИЁТ МУШТАРАКЛИГИ

Ўтган ойда Мир Алишер Навоий ҳазратларининг таваллудига 582 йил тўлиши муносабати билан Шимкент шаҳрида Қозоғистон Республикаси ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамияти ҳамда Туркистон вилоят таълим бошқармаси, Шимкент шаҳар таълим бошқармаси услубийат маркази томонидан ташкил этилган “Навоий ўқишлари” мавзудаги кўрик-танловнинг республика босқичи ўтди.

Ушбу нуфузли тадбирда Саврон туманидаги Зокиржон Саидов раҳбарлик қилаётган Собир Рахимов номли умумий ўрта мактабининг 11-синф ўқувчиси Нафосат Ирискулова (тасвирда) ҳам иштирок этди. Ғазалларни ифодали ўқиш, сахна маҳорати, Навоий ҳақидаги билимлари синовдан ўтган беллашувда Нафосат Адҳамжон қизи совринли учинчи ўринни эгаллади ва диплом ҳамда совғалар билан тақдирланди.

Нафосат – мақтабимизнинг аълочи ўқувчилари-

дан. Танлаган йўналиши физика-математика бўлишига қарамай, ўзбек адабиёти дарсларини ҳам яхши ўзлаштирган. Бадиий асарларни кўп ўқийди, шеърларни маромига етказиб, ёд олади.

Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари Назоқат Аҳмедова ва Зулфизар Мусаева шогирдининг муваффақиятларидан мамнун. Биз, мақтабимизнинг ўқитувчилар жамоаси ҳамда ўқувчилар номидан Нафосатни табриқлаймиз ва келгусида янги зафарларга эришишига тилақдошми.



Ахтамжон АХТАМОВ,
Собир Рахимов
номли умумий ўрта
мактаб директорининг
ўринбосари.
Саврон тумани,
Эски Иқон қишлоғи.

ҚУШЛАРГА ҒАМХЎР
БЎЛАЙЛИК!

Ёввойи қушлар ва уй паррандаларини ажрата олмасми? Қушларнинг уйлари қаерда?

Яқинда Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги “Маърифат она” болалар боччаси тарбияланувчилари тарбиячилар билан бирга юқоридаги саволларга жавоб излашди.

Атроф-муҳит билан танишиш, экология йўналишида ўтган ушбу машғулотда кич-

кинтойларга паррандалар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилди, уларга табиатни севиб-асраш, ғамхўр бўлиш зарурлиги ўргатилди.

Дарс қушларга оид ҳақидаги мақоллар, топшимоқлар, шеърлар, ранг-баранг тасвирлар билан бойитилди.

Дилбарой ИСИМОВА,
“Маърифат она” болалар
боғчаси тарбиячиси.
Сайрам тумани.

ТҮРКИСТАНЫМ –
ТҮРАНЫМ

Туркистаным – Тўраным,
Туылып өскен мекенім,
Тарихтарга бай елім,
Мекен еткен тұрағым.
Темір бабам салдырған
Қожа Ахмет Яссауи
Кесенесі бар елім
Мақтанамыз онымен.
Көркей бер, Туркистан!
Ардақты туған мекенім.
Ыстық маған әр тасың,
Құрметтеп сені өтемін.
Жырма бірінші ғасырда,
Тойладық біз тойыңды.
Рухани астана болып,
Жақсылық тұнған бойыңда.



Ақида РАХМЕДЖАНОВА,
Ә. Науаи атындағы
№13 мектеп-гимназияның
4«В» сынып оқушысы
Туркистан қаласы.

Директор – Бош мұхәррир
вазифасини бажарувчи –
Муроджон Абдунаби ўғли
АБУБАКИРОВ.

Бош мұхәррир ўринбосари:
Авазхон БҮРҢОНБОВ.

Масъул котипа – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлғабий — Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулқибаш — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сийсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирүүләрда
факт ҳамда далилларни тўришлиги учун
муаллифлар, реклама ва эълон берүүләр
масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма
жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга
олиниб, КЗ234УУ00022503 сувоҳнома
берилган.

“ERNUR-print” МЧБ бошқармасида chop этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

Бюджет
631.

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 12500 нуска.

Навбатчи мұхәррир: Мухтабар УСМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри,
“Жаңа қала” кичик тумани,
11-кўча, 26-бино, 3-қават.
Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55
Электрон почта: janubiy@inbox.ru